Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз safida бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 5-mart, №10-11 (570)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Лицензияланган кино-видео маҳсулот уни қаердан топиш мумкин?

– Олаверинг, сифатига юз фоиз «кафолат» берамиз, ҳаммасини ўзим ёзганман, – дейди куни кеча дискларини синчиклаб кўздан кечираётганимдан энсаси қотган сотувчи.

– Лицензияланганидан керак эди.

– Унақаси йўқ.



3-бет

Россия: президент сайловининг илк натижалари

Россияда иккинчи март куни бўлиб ўтган президент сайловининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, Дмитрий Медведев 70,24 % овоз йиғишга эришди. Кутилгандек қолган номзодларни сайловчиларнинг озчилик қисми қўллаб-қувватлади...

7-бет

«Зарафшоннинг бўйларида шеър топганман»

Эсимда, биринчи «Шабнам» шеърий тўпламим чиққанда онамга олиб борганман. Онам китобчани юз-кўзларига суртиб йиғлаб юборганлар. Ўша куни мен ҳам онамга қўшилиб йиғлаганман. Китоб чоп этилаётганида ҳаётим қил устида эди-да. Шеърият менга ҳаётимни қайтариб берган...

12-бет

Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири

Аёлга қасида

Сен Момо Ҳавосан мерос меҳрсан,
Абадий мўъжиза, мангу сеҳрсан.
Фариштасан, малак, парисан, ҳурсан,
Юзлари қуёшу қошлари ҳилол —
Аёл, аёл, аёл!

Бешик қучоқлаган бедор ҳам ўзинг,
Бибихоним ўзинг, меъмор ҳам ўзинг.
Моҳларойим, Қутлуғнигор ҳам ўзинг,
Муҳаббатга тимсол, Ватанга тимсол —
Аёл, аёл, аёл!

Онасан, сингилсан, ёрсан вафодор,
Изингдан эргашиб юради баҳор.
Сен бор — нафосат бор,
сен бор — ҳаёт бор,
Сен ойдин орзусан, сен — эзгу хаёл —
Аёл, аёл, аёл!

Мунисим, шафқатинг, ҳимматинг буюк,
Оқ сутинг оқлаган дилбандинг буюк.
Сени улуғлаган фарзандинг буюк,
Бошингда саодат, пойингда иқбол —
Аёл, аёл, аёл!

Баҳорга чиқар пешвоз гул юзли соҳибжамол,
Қўлда муқаддас неъмат — нон юзида шарҳи ҳол.

Келажакка қўйилган пойдевор

Кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан дадил интилаётган мамлакатимизда ёшларга бўлган эътибор бугунги кунда янги босқичга кўтарилди. Зеро, ҳар бир инсон ўз фарзандларининг бахтли бўлишини орзу қилганидек, халқимиз, давлатимиз ҳам келажак ворислари бўлган ёш авлоднинг баркамол вояга етиши учун қайғуради. Шу боисдан ҳам юртимизда баркамол авлодни муносиб тарбиялашга, уларнинг ҳар томонлама соғлом, бақувват, маънавий етук бўлиб улғайишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муҳтарам Президентимиз таклифи билан 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилиниши ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган хайрли ишларнинг янада жадаллашишига хизмат қилади. Бугун Ўзбекистонда истиқомат қилаётган 17 миллиондан ортиқ ёшларнинг кундалик ҳаёти, эртанги тақдири мамлакат тақдири билан чамбарчас боғлиқ. Шундай экан, демак ёшлар фаолияти билан боғлиқ ҳар бир масала ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиши табиий.

Президентимиз Ислом Каримов 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида 2008 йилни юртимизда «Ёшлар йили» деб белгиланишининг мазмун-моҳияти ва шу йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Айниқса, «Ёшлар йили» давлат Дастурини тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича долзарб таклифларни ўртага ташлади.

«Биз таълим соҳасини босқичма-босқич, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ислоҳ қилиш бўйича узоқни кўзлаган дастурларни изчил амалга ошириб келмоқдамиз, — деди жумладан Юртбошимиз ушбу мажлисдаги маърузаларида. — **Бунинг натижасида ёшларимизнинг энг юксак талаблар даражасида умумий таълим олиши билан бир қаторда уларнинг ўз қобилиятини рўёбга чиқариш, жамиятда муносиб ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун аниқ мутахассисликка эга бўлиш имконини берадиган яхлит, узлуксиз таълим-тарбия тизимини яратдик».**

Шуни мамнуният билан таъкидлашимиз жоизки, ёшларнинг соғлом ва баркамол вояга етишлари, айниқса, маънавий камолоти учун мустақиллик йилларида муносиб замин яратилди ва бу жараён айни пайтда қизғин давом этмоқда. Ана шу йиллар ичида мамлакатимизда таълим соҳасида кенг миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилди.

(Давоми 2-бетда.)

8 март — Халқаро хотин-қизлар куни олдидан

"Атиргул – 2007" соҳибалари.

Мустақиллик шарофати билан матбуот ва сўз эркинлиги чинакам олий қадриятга айланди. Айнан, мана шу жамият қадриятларини янада кенгроқ қамраб олиши, ўз вақтида эркин муносабат билдириши учун оммавий ахборот воситалари ходимларига кўрсатилаётган юксак эътибор, меҳнатини муносиб рағбатлантириш, айниқса, журналист аёлларнинг келгуси фаолиятида катта аҳамият касб этмоқда.

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ва Журналист аёллар клуби ҳамкорлигида 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида ўтказилган "Атиргул – 2007" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзолари, давлат ва нодавлат ташкилотлар вакиллари, ОАВ ходимлари, фахрий журналист аёллар иштирок этишди.

Тантанани Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов очар экан, анъанавий танловда кўзда тутилган мақсад аҳолининг фуқаролик позициясини шакллантириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтиришда журналист аёлларнинг иштирокини кенгайтириш ва фаолиятини рағбатлантириш ҳамда ОАВни жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар билан бойитиш, ижодкор хотин-қизларнинг касбий маҳоратини ошириш ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилганлиги аҳамиятга молик эканлигини алоҳида таъкидлади.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Хуршид Дўстмуҳаммедов, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Нурия Туреева, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Фарида Абдураҳимова, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Жамолиддин Ҳакимов ва бошқалар сўз олиб, мамлакатимизда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамологида хотин-қизларга берилаётган эътибор, уларнинг оиладаги ўрни ҳамда жамиятда тутган мавқеини юксалтириш борасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов танлов ғолибини тақдирламоқда.

Дарҳақиқат, бу йилги "Атиргул – 2007"да республиканинг барча ҳудудларидаги телевидение, радио ва газета-журналларда фаолият олиб бораётган 50 га яқин журналист аёллар хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, оналик ва болалик муҳофазаси, ёш авлодни ҳар томонлама баркамол вояга етказиш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар кенг ёритилган 400 га яқин танловга тақдим этилган ижодий ишлари билан қатнашганлиги мазкур танловнинг обрў-эътибори муттасил ортиб бораётганлигидан далолат беради.

Айниқса, тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Раъно Зариповaнинг "Истиқлол замонамиз қаҳрамонлари" танловидан муносиб ўрин олган очерк, мақола ва бадиий эсселардан иборат "Юрт қўшиқлари" тўплами тақдимоти ийғилиш аҳлида чуқур таассурот уйғотди.

"АТИРГУЛ-2007" РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИ:

1. **Муқаддас Исмоилова** — "Муҳофаза" газетаси мухбири (Хоразм вилояти) — Ҳуқуқий, тарбиявий-ахлоқий мавзулардаги мақолалар туркуми учун
2. **Хушноза Маҳмудова** — ЎзМТРК "Тошкент" телерадиоканали бош муҳарририяти муҳаррири — Парламент ҳаётига бағишланган бош кўрсатувлари учун

(Давоми 2-бетда.)

Ватан боғларида бодом гуллади

Қишнинг қаҳратонига дош бериб, мудроқ уйқуга кетган она замин қайта жонланди. Ўлкамизга биз соғинган фасллар келинчаги Баҳор ташриф буюрди. Бугун Сурхон боғларида бодомлар қийғос гулга кирган. Юртимизда яна Баҳор!

Бугун феруза тонг отди. Уфқдан аста мўралаётган қуёш ўзининг нурларини она замин узра ёйиб борлиқни ширин уйқудан уйғотмоқда. Яшараётган табиатнинг муаттар иси атрофни чўлғади. У кўнгилларга ёқимли, ажиб бир ис бахш этаётир. Ёмғирнинг шивирлашидан маст бўлаёзган замин бағридан илк майсалар бўй кўрсатди. Қир-адирларни Кўкламнинг илк даракчиси бойчечаклар қоплади. Бутун борлиқни баҳорий бир эҳтирос ўз ҳукмига олди. Юраклардаги ажиб туйғулар уйғониб, муҳаббат чечаклари уна бошлади...

Ҳар гал шундай бўлади. Баҳор фасли ҳар бир кўнгилга поклик ва беғуборлик олиб келади...

Аждодларимиз кўклам деб атаган бу фасл ғайрату шижоат, ҳаракат ва меҳнат фасли, аслида. У инсонни яратувчанликка, бунёдкорликка ундайди. Айни кунларда юртдошларимиз қалбида ҳам ана шундай кайфият ҳукм сурмоқда. Тупроқ ҳидини қўмсаган бободеҳқонларимиз хайру барокат тилаб далага ошиқаяпти. Эзгу ишга бел боғлаганларнинг чеҳрасида сурур, дилида шукроналик...

Кўклам — янги орзулар, эзгу ниятлар дебочаси. Толеи баланд мустақил юртнинг ўн еттинчи баҳори бу. Ўлкамизда баҳор ҳар гал ана шундай файзли ва шукуҳли бошланади.

Шерали ҚОДИРОВ

Сўз масъулияти

Республика Бош прокуратураси бўлим бошлиғи Светлана ОРТИҚОВА билан суҳбат

— Светлана Боймирзаевна, 2007 йил якунланганига ҳам икки ойдан ортиқ вақт ўтди. Ўтган йил амалга оширилган ишлардан кўнглингиз тўлдими?

— Ҳаётимизда ҳар йилнинг ўз салмоғи ва изи бўлади. Қувонарлиси, юртимизда тинчлик ва осойишталик бардавом ҳукм сурмоқда. Осойишта юртга эса тўйлар ва байрамлар ярашади. Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтди. Унда халқимиз юрт тинчлиги, мамлакат тараққиёти ва турмуш фаровонлиги учун овоз берди. Сайловда иштирок этган халқаро кузатувчилар президент сайлови халқаро демократик андозаларга ва миллий қонунчиликка мос равишда бўлиб ўтганини эътироф этдилар.

Ўзбекистон фуқароси сифатида ўтган йилдан мамнунман. Энг асосийси, тўрт мучам соғ бўлиб, ўз вазифамни бажариб, озгина бўлса ҳам Ватан коригa яраётганимдан хурсандман. 2008 йил – «Ёшлар йили»дан умидларим катта. Ёшларга хос шижоат, ўйлайманки, барчамизни янги чўққиларни забт этишга ундайди.

— Журналистлар сизнинг зиммангиздаги масъулиятни яхши ҳис қилишади. Республика Бош прокурорининг матбуот котиби сифатида нафақат республикамиз ОАВлари вакиллари, балки хорижлик журналистларнинг прокуратура билан боғлиқ саволларига жавоб беришингиз керак. Тўғрими?

— Журналистлар билан ишлашнинг ўзи менга катта масъулият юклайди. Тўғриси, улар оддий фуқаро эмас, соҳасини чуқур биладиган, керак бўлса, сизни саволлари билан довдиратиб қўядиган профессионал мутахассислардир. Улар менга қўнғироқ қилишдан олдин обдон ўйлаб кўришади. Мен эса уларнинг саволига тўғридан-тўғри жавоб беришим керак. Кўпчилик ҳолларда улар овозимни факт сифатида диктофонга ёзиб олишади. Менинг ҳар бир сўзим эфирда факт бўлиб жаранглаши мумкин. Айниқса, хорижий ОАВлари журналистлари билан ишлаш осон эмас. Улар олинган хабарни ўша вақтнинг ўзидаёқ эфирга бериб, дунёга тарқатиб юборишади. Тан олиб айтиш керакки, айрим чет эл журналистлари берган саволлар сизни ўйлантиради ва мулоҳазага чорлайди. Бу ўша мавзуни чуқур ўрганишдан далолат беради. Биз журналистларимиз эса андишага боришадими, оддийгина савол билан кифояланишади. Аслида эса журналист жамиятдаги муаммони омма ҳукмига ҳавола қилишдан чўчимаслиги керак.

(Давоми 3-бетда.)

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Келажакка қўйилган **пойдевор**



(Бошланиши 1-бетда.)

Бу соҳадаги жаҳон тажрибаси чуқур ўрганилиб, замонавий таълим тизими яратилди. Ҳозирда фаолият кўрсатаётган 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаблари янгидан бунёд этилган бўлиб, улар барча замонавий талабларга жавоб беради. Уларда таҳсил олаётган йигит-қизлар келажакда ўз билим ва иқтидорларини намойиш этиб, Ватанимиз равнақини таъминлашга ўз ҳиссаларини қўшишларига шубҳа йўқ.

Албатта, юрт келажаги, ислоҳотлар самараси билимли, интилувчан ёшлар қўлида. Шу туфайли ҳам ҳар йили давлат бюджетининг 54 фоиздан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Ушбу маблағнинг ярмидан кўпи айнан таълим соҳасига йўналтирилаётганлиги фарзандларимизнинг билимли, зукко бўлиб улғайишлари йўлида нечоғлик ғамхўрлик кўрсатилаётганлигини намоён этмоқда. Айтиш мумкинки, Юртбошимизнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган фикрлари амалда исботини топаяпти. Бугун мактабларда, лицей ҳамда касб-ҳунар коллежларида, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизлар ҳеч бир ривожланган мамлакат ёшларидан кам эмас. Жаҳон миқёсида ўтказилаётган анжуманлар, турли танловларда Ўзбекистон фарзандларининг кимлигини дунёга кўрсатиб қўяётган истеъдодли, билимли ёшларимизнинг ютуқлари фикрларимизни тасдиқлайди.

Мамлакат ёшларини эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш, ташаббускорлик, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳам асосий вазифасидир. Зеро, ҳозирги кунда юртимизнинг шаҳар ва туманларида, корхона ва ўқув муассасаларида ташкил этилган 17 мингта бошланғич ташкилоти ўз атрофига тўрт миллиондан ортиқ ёшларни бирлаштирган. Ана шу бошланғич ташкилотлар орқали ёшлар билан мунтазам равишда машғулотлар, турли тадбирлар олиб борилмоқда, ёшларнинг талаб ва таклифлари ўрганилмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаб ўтганларидек: **«Ёшларимиз қалбида соғлом ҳаёт тарзига интилишни, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром туйғуларини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз зарур».**

Ёшлар — жуда катта бунёдкор куч. Бу кучни муносиб шакллантириш, тўғри йўналтириш лозим. Энг аввало, ёшларнинг маънавий оламини бойитиш, дунёқарашини ривожлантириш керак. Худди шу мақсадда Ҳаракат томонидан кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилган ва уларни амалга ошириш жараёнига ёшларни кенгроқ жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк ўтмишимизни, миллий қадриятларимизни ёшлар онгига сингдиришда, уларни ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда, ўз ҳуқуқ ва бурчларини тўғри англаб етишларида бундай тадбирларнинг ўзига хос аҳамияти бор.

«Соғлом танда — соғ ақл» дея бежиз айтилмаган. Шу сабабдан ҳам ёш авлоднинг маънавий дунёқарашини шакллантириш баробарида уларни жисмоний соғлом қилиб тарбиялашга ҳам муҳим эътибор қаратилган. Ҳозирги кунда юртимизнинг деярли барча шаҳар ва қишлоқларида, маҳаллаларида спорт майдончалари, замонавий спорт мажмуалари бунёд этилган.

Ёшларнинг таълим олишларини, интилишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида «Камолот» ЁИҲ томонидан маблағлар ажратилмоқда. Жумладан, ҳарбий қисм йўлланмаси билан имтиёзли равишда олий ўқув юртига ўқишга кирган талабаларнинг контракт тўловларининг 35 фоизи «Камолот» томонидан тўлаб берилянти. Ўтган йили 487 миллион сўм маблағ ана шундай талабаларни қўллаб-қувватлашга ажратилди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш керакки, Президентимиз ўз маърузаларида: **«Ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисослик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимизнинг соҳа ва тармоқларида амалий талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизларимиз жамиятда ўзига, ўз касбига муносиб ўрин топаяптими?»** — деган долзарб саволни қўйдилар. Кейинги ўн йил мобайнида 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ мутахассислар тайёрланган бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳам эгаллаган ихтисосликлари бўйича доимий иш билан таъминланган, дея олмаймиз.

Мамлакатимизда барча соҳаларга, жумладан, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга ҳам кенг йўл берилган. Эндиликда ана шу имкониятлардан фойдаланиб, кўплаб кичик корхоналарни барпо этиш, ишлаб чиқаришни ва касаначиликни янада ривожлантириш зарур. Ҳар йили жойларда ёш мутахассислар учун меҳнат ярмаркалари ўтказилмоқда. Аммо бу билан қаноатланиб бўлмайди. Касб-ҳунар масканлари, олий ўқув юртлари ҳар йили кўплаб мутахассис кадрларни тайёрлаб бермоқда. Эндиликда ёшлар фақат тайёр иш ўринларига бориб жойлашиб қолмасдан, яратилган имкониятлардан келиб чиқиб, ўзлари ҳам кичик корхоналарни ташкил этсалар, ўз хусусий бизнесларини бошласалар, янги иш ўринларини яратсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Ҳар қандай тарбия, албатта, аввало оилада шаклланади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда мамлакатимизда ёш оилаларни ҳар томонлама моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилянти. Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони бу борада амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштириш йўлида ташланган катта қадам бўлди. Айни пайтда юртимизда 995 мингдан ортиқ ёш оила истиқомат қилади. Улар орасида доимий иш ўрнига эга, уй-жойга муҳтож оилалар сони 343 минг нафардан ортиқ эканлигини таҳлиллар кўрсатиб турибди. Кредит олиш учун мурожаат қилган ёш оилаларнинг аҳволи тегишли комиссиялар томонидан ўрганилиб, лозим топилганларига кредитлар ажратиб берилмоқда.

«Ёш оилаларга муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шарт-шароитларни яратиб бериш, рўзғорни бутлаш учун маблағ ва кредитлар билан таъминлаш, маънавий етук, жисмонан соғлом болаларни тарбиялаб вояга етказиш йўлида зарур имкониятларни туғдириб беришимиз керак», — дея таъкидладилар Президентимиз мажлисда. Юқоридаги Фармон ана шу масалаларнинг ижросини таъминлашга бевосита хизмат қилади.

Фармонда ёш оилаларга уй-жой қуриш масаласи ҳам кўзда тутилган. Ҳозирда ёш оилалар учун кўп қаватли турар жой бинолари қурилиши бошланиб кетди. Қурилиш ишларини олиб бориш мақсадида қиррқа яқин пудратчи ташкилотлар билан шартномалар тузилган. Шунингдек, қурилиш ишларига бевосита ёшларнинг ўзи ҳам жалб этилмоқда. Ёшлардан тузилган 44 та қурилиш бригадалари ана шу турар жой бинолорини барпо қилишда бевосита иштирок этяпти.

Умуман, бугунги кунда ёшлар масаласи давлат сиёсатида, халқимиз ҳаётида алоҳида устувор аҳамият касб этмоқда. Бу эса фарзандларимизга бўлган ғамхўрлик, келажакка юксак ишонч белгисидир. Зеро, ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаолият юритаётган, зиммаларидаги масъулиятни чуқур ҳис этаётган ёш йигит-қизларни кўрганда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг чинакам давомчилари вояга етаётганлигига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Салим АШУРОВ

"Атиргул – 2007" соҳибалари

(Бошланиши 1-бетда.)

3. **Майсара Назарова** — "Туркистон" газетаси мухбири — Ижтимоий-сиёсий мавзудаги туркум мақолалари учун
4. **Феруза Орипова** — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси "Ахборот-матбуот маркази" бош мутахассиси — Маданий ва маънавий-маърифий мавзулардаги мақолалари учун
5. **Елена Петрусевич** — "Водий садоси" радиоси бошловчиси — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг бажарилиши ҳақидаги эшиттиришлари учун
6. **Раъно Рауфова** — ЎзМТРК "Спорт" телерадиоканали "Машъал" радиоканали муҳаррири — Болалар спортини ривожлантиришга оид эшиттиришлари учун
7. **Азиза Салихова** — "Муштум" журналининг масъул котиби — Меҳр-оқибат, миллий қадриятлар тарғиботига бағишланган туркум мақолалари учун
8. **Мадина Собирова** — Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси Ахборот маркази бошловчиси — Долзарб мавзулардаги ахборот-таҳлилий материаллари учун
9. **Гулнора Турдиева** — "Қарақалпақстан жаслари" газетаси бўлими мудири — Ёшлар муаммоларига бағишланган таҳлилий мақолалари учун
10. **Иқбол Қўшшаева** — "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг катта мухбири — Иқтидорли ёш ижодкорлар ҳақидаги туркум мақолалари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳибалари:

1. **Ленуре Адильшаева** — "Джизакская правда" газетасининг бўлим мудири
2. **Умида Йўлчиева** — "Ёғду" газетасининг муҳаррир ўринбосари (Андижон вилояти)
3. **Гулбаҳор Сулаймонова** — жамоатчи мухбир
4. **Адолат Файзиева** — "Ёш куч" журнали мухбири
5. **Меҳринисо Хусаинова** — "Адолат нури" газетасининг бош муҳаррири (Бухоро вилояти)
6. **Гулчеҳра Ширинова** — "Соғлом авлод" газетасининг катта мухбири
7. **Лобар Ҳайдарова** — Ўзбекистон нодавлат телекомпаниялар телетармоғи "Ҳудуд" ахборот-таҳлилий дастурининг Қашқадарё вилояти мухбири

Муваффақиятга эришган совриндорларни суҳбатга чорлаганимизда, кўрсатилган бундай эътибор учун ташкилотчи ҳомийларга қизғин ва самимий ташаккурини, дил истакларини изҳор этишди. "Атиргул"нинг мавқеи йилдан йил ошиб бораётгани эса бежиз эмас.

Ситора ТОЖИДДИНОВА

САМАРҚАНД ВИЛОЯТ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Ватанимизнинг барча хотин-қизларини яқинлашиб келаётган баҳор, гўзаллик ва нафосат айёми — 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этади.

Дунё — аёллар билан гўзал, ҳаётимизнинг давомийлиги, боқийлиги ҳам Сиз аёллар туфайлидир. Ҳамиша бор бўлинг, соғ-омон бўлинг, азиз хотин-қизлар!

«ПАХТА БАНК»

"Маиший тўлов" жамғарма омонат турининг фоиз ставкасини оширди

Энди, у йиллик 30 фоизни ташкил этади.

Омонатга ўзингиз учун мақбул миқдорда маблағни қўйиб, коммунал тўловларни ҳеч қандай қийинчиликларсиз ўз вақтида тўлаб борилишига эришасиз.
Омонатнинг муддати 2 йил.

«ПАХТА БАНК» — БИЗ БИЛАН ҲАМИША ҚУЛАЙ!

Бундан ташқари, «Пахта банк» қуйидаги жамғарма ҳамда муддатли омонат турларига бўш пул маблағларингизни қўйишни таклиф этади:

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоиз ставкаси	Бошланғич бадал
"Болалар келажагимиз" (14 ёшгача болалар учун) **жамғарма**	1-5 йилгача	12-18%	10 000 сўм
"Навниҳол" (16 ёшдан 25 ёшгача) **жамғарма**	1 йил	МБ қайта молиялаш ставкасида	1 000 сўм
"Баркамол авлод" жамғарма	1-3-6-9-12-15 ва 18 ой	30%	10 000 сўм
"Оқ олтин" муддатли	6 ой	18%	2 000 сўм
"Пахтакор" муддатли	3 ой	16%	10 000 сўм
"Фаровонлик" муддатли	3-6 ойгача	16-18%	5 000 сўм
"Барака" муддатли	2-12 ойгача	12%-18%	20 000 сўм
"Саховат" муддатли	1 йил	18%	20 000 сўм
"Баҳор" муддатли	9 ой	18%	20 000 сўм
"Истеъмол омонат" муддатли	3 йил	10%	**"Истеъмол кредит"и миқдорининг 30 фоизи**

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

«Пахта банк» мижозларининг омонатга қўйган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди!

«ПАХТА БАНК» фаровонлигингиз калитидир!

Хизматлар лицензияланган.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИ МОЛИЯ БЎЛИМИ

жамоаси мўътабар онажонларимиз ва азиз опа-сингилларимизни, истиқлол нашидасидан чеҳраси гулгун, лобар қизларимизни яқинлашиб келаётган навқиронлик ва гўзаллик, бахту иқбол байрами – 8 март билан қизғин табриклайди.

Сўз масъулияти

(Бошланиши 1-бетда.)

Юртбошимизнинг матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган табригида, жумладан, шундай дейилган: «Ҳозирги кунда журналистика соҳасида меҳнат қилаётган ва ўз фаолиятида юксак натижаларга эришмоқчи, жамоатчилик эътиборини қозонмоқчи бўлган ҳар қайси матбуот ходими касб маҳоратини эгаллаш билан бирга, ўз принципларига ҳам эга бўлиши, ҳақиқат учун курашишга тайёр туриши, шу йўлда қатъият ва шижоат кўрсатиши, лўнда қилиб айтганда, виждон амри билан яшашини замоннинг ўзи талаб қилмоқда». Ана шундагина халқ журналистнинг сўзига ва ўзига ишонади.

– Кейинги пайтлар ОАВларида вазирликлар, қўмиталарнинг матбуот котиблари вазифалари ва мақомлари ҳақида турли баҳс-мунозаралар, бўлиб ўтмоқда. Лекин...

– Мен сизнинг нима демоқчи эканлигингизни тушундим. Ўзингиз ўйланг, бирор ОАВ ходими айтайлик, Соғлиқни сақлаш вазирлигига оид битта ахборотни олиш учун вазирга чиқиши шарт эмас.

Ана шу ахборотни олиш учун журналист вазирнинг матбуот котибига мурожаат қилиб, керакли маълумотни олиши мумкин. Матбуот котибида вазирликка тегишли барча ахборотлар бўлиши керак. Менинг назаримда, журналистлар билан мулоқот қиладиган матбуот котиби билимли, қатъиятли, ўз сўзи учун жавоб берадиган мутахассис бўлиши лозим. Чунки матбуот котиби берган ахборот ОАВда эълон қилинади. Агар Республика Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан матбуот котиблари учун ўқув семинарлари мунтазам ташкил қилинса, ўйлайманки, кўнгилдаги иш бўларди. Бироқ биздаги энг катта муаммо шуки, фаолият кўрсатаётган баъзи матбуот котиблари ҳам фалон ахборотни «хўжайин»нинг рухсатисиз бериб юборсам, ОАВга чиқиб кетса нима бўларкан, деб ўйлайди. Ривожланган давлатлар матбуот котиблари ўз соҳасидаги ютуқ ва муаммолар ҳақида матбуот анжуманлари ўтказади.

– Республикамиздаги ОАВлари таҳририятлари чоп этилган танқидий мавзудаги мақолалардаги далилларни текшириб, қонуний чора кўриш учун Республика Бош прокуратурасига юборишади. Ана шундай чиқишларнинг тақдири ҳақида нималар дея оласиз?

– ОАВнинг кучини ҳеч бир нарса билан тенглаштириб бўлмайди. ОАВда айтилган сўз гўё — отилган ўқ. Отилган ўқни ортга қайтариб бўлмайди. Айтайлик, бирон фуқарони ноҳақ газетада танқид қилиб, орадан кўп ўтмай ана шундай фуқародан кечирим сўраб нашрда раддия беришнинг кимга кераги бор? Ачинарлиси, баъзи нашрларимиз ҳатто қонун талабига зид иш тутиб, хатосини тузатиб раддия беришни ҳам ўзига эп кўрмайди. Хатони тан олиш ҳам – мардлик. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 15-моддасида «Журналист ўз тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир» дейилган. Афсуски, айрим журналистларимиз ана шу масъулиятни унутганлиги баъзи танқидий мақолаларда билиниб қолмоқда. Жумладан, «Правда Востока» газетасининг 2007 йил 6 февраль сонида Н.Шакированинг «Кому платить долги?» мақоласи чоп этилганди. Мақолада Самарқанд вилоятининг айрим туманларида тугатилган ширкат хўжаликлари ва улар негизида ташкил этилган янги фермер хўжаликлари ўртасида қарздорликни тақсимлаш юзасидан келиб чиққан муаммолар ҳамда ушбу низолар вилоят хўжалик суди томонидан кўрилган бўлишига қарамасдан ўз ечимини топмаётганлиги тилга олинган. Бироқ ушбу мақоладаги далиллар Самарқанд вилояти прокуратураси томонидан ўрганиб кўрилганда, материалда келтирилган важлар ўз тасдиғини топмади.

«Моҳият» газетасининг 2007 йил 16 февраль сонидаги «Фармон талаблари бузилган», «Ҳимоя-Жараён» газетасининг 2007 йил 6 февраль сонидаги «Одил суддаги адолатсизлик», «Зеркало XXI» газетасининг 2007 йил 11 сентябрдаги «Пятьдесят на пятьдесят?» мақолалари ҳақида ҳам юқоридаги фикрни айтиш мумкин. Ачинарлиси, бундай мисолларни хоҳлаганча келтирса бўлади. Ажабланарлиси, кейинги пайтларда кабинетда ўтириб кимларнингдир телефон орқали берган хабарлари ёки фактлари асосида танқидий мақола ёзадиган журналистлар пайдо бўлди.

– Ўтган йилнинг 14 декабрида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасида «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси юзасидан республикамиздаги ҳуқуқий нашрлар қатори Бош прокуратуранинг «Ҳуқуқ» газетаси фаолияти ҳам кўриб чиқилди. Таҳриллар ҳақида нималар дея оласиз?

– «Ҳуқуқ» газетаси бош нашримиз ҳисобланади. Энг аввало, Қонунчилик палатаси депутатларига, Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммадга миннатдорчилик билдираман. «Ҳуқуқ» газетаси ижодий жамоасининг меҳнати парламентда кўрилиши бизга бўлган катта эътибор ва эътироф деб баҳолайман.

Ютуқ ва камчиликларимиз рўйрост айтилди. Газета салкам 30.000 нусхада чоп этилмоқда. Мақтанишга йўймайсиз-у, бу кўрсаткич республикамиздаги айрим газеталар билан солиштирганда, анча баланд. Газетанинг ўз муштарийлари бор. Ижодий жамоа ана шу масъулиятни ҳис қилиб меҳнат қилмоқда. Ўтган йилдан бошлаб газетанинг ҳар бир сонида «Махсус мавзу» рукнида туркум мақолалар тайёрланмоқда. Унда ҳаётдаги муаммолар ҳақида таҳлилий мақолалар бериб борилмоқда.

Эътирофли томони шундаки, таҳририятга келган ҳар бир ариза ва шикоят хати назоратсиз қолмайди. Айрим шикоят хатлари юзасидан «Журналист текшируви» ўтказилади.

– «Прокуратура тўғрисида»ги Қонуннинг 53-моддасида «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари даврий нашрлар ҳамда махсус адабиётлар чоп этиши мумкин» дейилган. Қонунга биноан вилоят прокуратуралари муассислигида ташкил этилган ОАВлари фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...

– Мустақиллик фарзанди сифатида вилоят прокуратуралари муассислигида ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида ўндан ортиқ газета чоп этиб келинмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси муассислигидаги «Ғаресизлик ва низам» қорақалпоқ тилида, Навоий вилоятида эса «Фемида» газетаси рус тилида чоп этилмоқда. Бугунга келиб барча нашрларимизнинг адади салкам 100 мингтага етди. Эътиборли томони, газеталаримиз ўз ўқувчиларини топди. Муштарийлар қизиқиб ўқимоқда. Андижонда «Ҳуқуқ сабоқлари», Бухорода «Адолат нури», Қашқадарёда «Адолат кучи» ижодий жамоалари бугунги кун талабидаги газеталарни мухлисларига етказиб бермоқда.

Самарқанддаги «Адолат сари», Сурхондарёдаги «Адолат тарозиси», Намангандаги «Диёнат», Жиззахдаги "Адолат ёлқини" газеталари 10 минг нусхадан ортиқ ададда чоп этилмоқда. Энг асосийси, нашрларимизнинг моддий базалари яратилган. Таҳририятлар замонавий компьютерлар билан жиҳозланган. Газеталаримизнинг вилоятларда ҳам нуфузи йил сайин ошиб бормоқда. Буни вилоят прокуратураларининг муассис сифатида ўз нашрларига кўрсатаётган ғамхўрлиги деб баҳоламоқ керак.

> *Ҳуқуқни талаб қилиш осон. Лекин чин дилдан зиммадаги бурчни бажариш ҳеч қачон осон кечмайди.*

– Ҳуқуқий нашрлардаги журналистларнинг ҳуқуқий малакасини ошириш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

– Ҳуқуқшунос-журналистларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилган. Кўпгина таҳририятларда олий маълумотли, журналист-ҳуқуқшунослар фаолият кўрсатмоқда. Бугунги ҳаёт журналистларни ҳам соҳага ихтисослашувини талаб қилмоқда. Санъат соҳасида ёзадиган журналист санъатшунос-журналист, иқтисод соҳасида ёзадиган журналист иқтисодчи-журналист бўлганига нима етсин. Халқимизда "Чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин", деган мақол бор-ку. Журналистларнинг малакасини ошириш борасида ўқув-семинарлари ташкил қилганмиз, бу ишларни янги йилда ҳам давом эттирамиз. Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги Олий ўқув курсларида журналистларнинг малакасини оширишни режалаштирганмиз. Мақсадимиз газеталаримизда чоп этилган ҳар бир мақола ўқувчини бефарқ қолдирмасин. Бундан бир неча йил олдин «сариқ нашр»лардан бирида фуқаролик суди айбдорни 10 йилга жиноий жавобгарликка тортди, деган мақолага кўзим тушганди. Ўқиб ажабландим. Ниятимиз — ана шундай халқни чалғитадиган, савиясиз мақолаларга газеталаримизда ўрин бермаслик. Содда инсонлар кўп. Баъзилар кўча газеталаридаги мантиқсиз, тўқиб ёзилган мақолаларда келтирилган воқеаларни тўғри деб тушунади. Лекин ана шундай газеталарни савиясиз, журналистикадан бехабар, қонуннинг «қ» ҳарфини билмайдиган одам чиқараётганини айрим фуқароларимиз билишмайди.

– Сиз раҳбарлик қилаётган бўлим бевосита қонунлар тарғиботи билан шуғулланади. Бу борадаги ишлардан кўнглингиз тўляптими?

– «Ҳаётда ҳамма ишларни қойил қилдим» дейдиган одам хато қилади. Ҳаётдаги ишлардан ҳар биримиз ҳар қанча сабоқ олсак кам деб ўйлайман.

Бўлимимиз фаолиятига келадиган бўлсам, биз кўпроқ журналистлар билан ҳамкорлик қиламиз. Қонунлар тарғиботини ОАВларининг кучисиз халққа етказиб бўлмайди. Мустақиллик йилларида 500 га яқин қонун, 15 та кодекс қабул қилинди ва ҳаётга татбиқ этилмоқда. Уларга биз ҳам ўз вақтида фикр ва мулоҳазаларимизни билдирдик. Уларнинг моҳиятини халққа тушунтиришда ОАВлари билан ҳамкорликни яхши йўлга қўйганмиз.

Хусусан, ўтган йилда Республика прокуратура органлари томонидан жами қонунчилик тарғиботига оид 142874 та тадбир ўтказилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига қараганда 6577 тага кўпайган. Шу билан биргаликда ўтган йилда оммавий ахборот воситаларида прокурортергов ходимларининг чиқишлари 33292 тани ташкил этди. Бироқ айрим қуйи прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи бўйича фаолияти юзасидан кўрсаткичлар камайган. Жумладан, Қашқадарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида прокуратура органлари ходимларининг телевидение орқали чиқишлари камайган.

Республикамизда жиноятчиликнинг айрим турлари камаймоқда. Ана шу ишларда бизнинг ҳам озгина улушимиз борлигидан хурсандман. Қонунлар тарғиботи, диний экстремизмга қарши кураш борасида ҳар ойда пойтахтдаги бирор олий ўқув юрти ёки коллежда юзма-юз мулоқот уюштирмоқдамиз. Ёшларга ҳуқуқлари қатори жамиятдаги бурчларини ҳам тушунтириб бормоқдамиз.

Агар сен ўзингга юклатилган бурчни виждонан бажарсанг, югурсанг-елсанг, ўз оромингдан кечсанг, ҳамкасбларинг ва раҳбарият меҳнатингни эътироф этар экан. Ана шунда умринг беҳуда ўтмаганини юракдан ҳис қиласан. Умринг беҳуда кечмаганидан қалбингда илиқлик пайдо бўлади. Бунинг ўзи – катта бахт. Буни Юртбошимиз томонидан «Меҳнат шуҳрати» орденини олганимда ич-ичимдан ҳис қилганман. Саноқли кунлардан сўнг аёлларимиз 8 март Халқаро хотин-қизлар кунини кутиб олади. Фурсатдан фойдаланиб, уларни қутлуғ байрам билан табриклайман.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ суҳбатлашди.

МУАММО, МУЛОҲАЗА

Лицензияланган кино-видео маҳсулот уни қаердан топиш мумкин?

– Менга қаранг, вақтим йўқ, деганингиз нимаси. Мен жиддий муаммони кўтаряпман. Сиз мени эшитишингиз керак.

Куни кеча таҳририятга келган бир танишимнинг ҳарҳашаси бўлмаганда, балки бу мавзуга ҳозирча мурожаат қилмаган бўлармидим?! Нима бўлганда ҳам ўша хаёлпараст йигит ўзидаги ҳолатни менга ҳам юқтира олди.

– Хўш, айтинг-чи, ўша жиддий муаммо нима экан, – дедим унга.

– Яқинда ошна-оғайнилар билан ўтириб, янги DVD-плейер сотиб олган дўстимизникида бирорта яхшироқ фильм кўрмоқчи бўлдик, – дея сўзини давом эттирди у. – Ҳаммамиз ҳам бироз шоиртабиатроқ ва ҳаддан ташқари романтик бўлганимиз учунми ёки ёшлик эҳтиёжими, ҳарқалай ҳиндларнинг «Гоҳи шодлик, гоҳи ҳам» деган киносини танладик.

– Рости ҳинд фильмларини унча ёқтирмайман, – деб қолди бир дўстимиз. – Назаримда кўз ёшлар ҳам, йиғи ҳам сохтадай, бадиий савияси ҳам анча саёз. Аммо битта ажойиб хислати бор. Қўшиқларини эшитсанг, сел бўлиб кетасан. Сўзларини тушунмайсан-у, юрагингни аллақандай ширин энтикиш қамраб олади. Ажойиб оҳанг жўрлигида айтилаётган сўздаги изтироблар сенга ҳам бегона эмаслигидан роҳатланасан, киши.

Шу пайт кинонинг навбатдаги қўшиғи янграй бошлади. Гўё бутун бир фильмнинг мазмуни шу қўшиқда жам бўлгандай. Актрисанинг майин табассумида, маъноли қош чимиришида олам-олам қувончу шодлик, дарду аламлар бор. Қўшиғни эшитиб, беихтиёр ўзингиз билмаган ҳолда ширин хотираларни эслайсиз.

Аммо кутилмаганда диск дам-бадам ғийқиллайвериб, фильм қаҳрамонининг томоғидан ғиппа «бўғиб олди». Кейин эса экранда фақат қоп-қора тасвир пайдо бўлди. Шу қора тасвир ширин хотираларимизни юлқиб олди, тушунаяпсизми?

Шу топда кимни айблашниям билмай қоласиз, эслаётган ширин хотираларингизни қоқ белидан, айни «кульминацион» нуқтасида бўлиб ташлаган дискними ё бизга шу матоҳни «гарантия»си билан сотган сотувчиними?

Ҳа, ўша хаёлпарастроқ дўстим худди шундай деганди. Эҳтимол бу сўзларни ўқиб, бироз ошириб юборибди, дерсиз.

Айтмоқчи бўлганим, севимли қўшиғимиз ёзилган маҳсулот яроқсиз чиқса, бу истеъмолчи сифатида ҳуқуқларимизнинг поймол қилинишидир.

– Ҳақиқатдан ҳам Қарши шаҳридаги бозорларда сотилаётган аксарият кино-видео маҳсулотлар лицензияланмаган, – дейди «Ўзбеккино» миллий агентлиги Қашқадарё вилояти ҳудудий бўлимининг бошлиғи Эркин Жўраев. – Улар яширин видеостудиялар томонидан ёзилиб, сотувга чиқарилмоқда. Табиийки уларнинг сифатига ҳеч қандай кафолат йўқ. Агарда бирорта бадиий фильм тасвири туширилган DVD диск лицензияланганлигини билмоқчи бўлсангиз, ундаги галаграфик тамғага эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, диск қоплагичида берилган фильмнинг қисқача мазмуни ҳақидаги маълумотлар ёзилган ёрлиқнинг сифатига ҳам эътибор қаратиш лозим. Агар бундаги тасвирлар ҳираро бўлса, ундай маҳсулотни сотиб олмаган маъқул.

– Олаверинг, сифатига юз фоиз «кафолат» берамиз, ҳаммасини ўзим ёзганман, – дейди куни кеча дискларини синчиклаб кўздан кечираётганимдан энсаси қотган сотувчи.

– Лицензияланганидан керак эди.

– Унақаси йўқ.

– Нега?

– Чунки ўзини ўзи қопламайди, ҳозир ким ҳам 5000 сўмга диск оларди?

Бу сўзлар сотаётган маҳсулотларининг лицензияланмаганини тан олган сотувчининг гапи. Аммо махсус шохобчаларда сотилаётган, ўзларининг таъбири билан айтганда «лицензионний» маҳсулотларнинг баъзиларида Э.Жўраев айтган белгиларни учратмайсиз. Демак уларнинг сифатига ҳам тўла ишонч йўқ.

Лицензияланган кино-видео маҳсулотлар ҳақида мақола тайёрлаш нияти туғилган кундан бошлаб, баъзи истеъмолчилар билан фикр алмашишга тўғри келди. Ва аксарият суҳбатдошларимиз шундай фикрни билдиришди.

Биз табиатан андишали халқмиз, сотувчилар билан баъзан 500-600 сўмга талашиб ўтиришни ўзимизга эп кўрмаймиз. Аммо ёшларимизнинг маънавиятига, соғлиғига хавф солаётган, бизга мутлақо зид бўлган ғоялар билан «қуролланган» турли хил маҳсулотларнинг бозорларимизда сотилишига йўл қўйиш тўғримикин?

Мутасадди раҳбарлар бу борада назоратни қучайтириш ва бозорларимизда фақат махсус лицензияга эга бўлган кино-видео маҳсулотларининг сотилишини таъминлаш учун зарурий тадбирларни амалга ошириш ҳақида жиддий ўйлаб кўришса яхши бўларди.

Элбек ЖУМАНОВ, журналист.

«СУРХОНПАХТАСАНОАТ»
бирлашмаси жамоаси

юртимиздаги барча муҳтарама онахонларимизни ва азиз опа-сингилларимизни яқинлашиб келаётган Халқаро хотин-қизлар куни — 8 март билан табриклайди.

Дунёдаги жамики яхшиликлар Сизга бўлсин, ҳамиша соғ-саломат бўлинг, гўзаллик, латофат ва меҳр нури ҳеч қачон Сизларни тарк этмасин!

IPOTEKA BANK

... шундай пайтлар бўладики,
кутилмаган харидлар
бизга қувонч
бахш этади

Ипотека банк пластик карточкалари – бу сизнинг маҳсулотлар харидидаги янги имкониятларингиз. Карточкани расмийлаштириш ва уни қўллашнинг энг осон йўллари таклиф этилади. Ўзбекистон бўйича савдо ва хизмат кўрсатиш нуқталарига ўрнатилган 17000 дан ортиқ терминаллар сизнинг хизматингизда.



Хизматлар лицензияланган

МАТБУОТ ВА ЖАМИЯТ

Нигоҳимизда — ҳудудий нашрлар

Zarafshon
Fidoyilik-Vatanga xizmat demak

«ТИЛЛАКОРИ» – МАДРАСАМИ Ё ШАРОБ?

Яқинда бир савдо дўконини айлана туриб этикеткасига «Тиллакори» деб ёзилган шароб – коньякка кўзимиз тушди. Уни қўлимизга олиб, зарҳал ҳарфлар битилган жимжимадор ёзувларни ўқиб ҳайрон қолдик. Наҳотки, бир шаробни ислом маданияти ва цивилизациясининг ноёб иншоотларидан бири бўлмиш Тиллакори мадрасаси номи билан аташган бўлса. Ахир, бу ерда бир вақтлар ислом динининг асоси бўлмиш Қуръон, илму ҳадислар ўқитилиб, қанча олиму уламоларимиз таълим олган-ку. Энди бўлса, замондошларимиз қандайдир бир шаробнинг номини муборак Тиллакори диний мадрасасининг номи билан аташмоқда...

Олим бобо РАҲИМҚУЛОВ.
"Зарафшон", 25.02.2008

БИРОВНИНГ ҲАҚИ

Ҳеч кимга сир эмаски, бозорларда савдо қилувчиларнинг арзимас бир қисмигина ҳақиқий дала деҳқонларидир. Унинг қўллари қадоқ: ер чопган, эгат олган, сув қуйган, ҳосилни терган ва бозорнинг бир бурчагида қунишибгина маҳсулотини сотиб ўтирибди.

Аммо бозор майдони кенг. Дала кўрмаган, ер, тупроқ, эгат ва ўғит нелигини тасаввур ҳам эта олмайдиган, айнан ана шу бозор майдонининг ўзида ёппасига «деҳқончилик» қилувчилар жуда кўп. Ана шундай сотувчилардан айримлари ўзганинг ҳақига хиёнат қилиб, гуноҳга ботишдан қўрқмайдилар. Улар тарозиларида икки хил тошни қўллайдилар. Дейлик, бозорга ҳақиқий дала деҳқони келиб, юкни туширишга шайланади. Юк уловдан ерга тушиб-тушмай, бозорнинг олғир-чопқирлари томонидан кўтара савдо қилинади. Деҳқоннинг молини тортиб олиш учун «оддий» тарози тошидан фойдаланилади. Йўқ, бу оддий тош эмас. Тошни кўрган киши бир қарашда уни асл тошдан ҳеч қандай фарқи йўқ деб ўйлайди. Лекин ундай эмас. Сотувчи маҳсулотни сотаётган вақтида худди шунга ўхшаш қорнида вазни ёзилган бошқа тарози тошидан фойдаланади. Нимага дейсизми? Чунки маҳсулотни сотишда ишлатиладиган тарози тошларининг эгасига «хизмат»и катта бўлади.

Деҳқондан фалон сўмга олинган маҳсулотни сотувчи эртадан-кечгача айнан шу нархда майдалаб сотади. «Фойда қани, фойда кўрмай бу бечора кун бўйи бекор ишлаб кетаркан-да», деб ўйласангиз адашасиз. Фойда жойида. Чунки у деҳқоннинг маҳсулотини олишда фойдаланилган тошлар пармаланган, эговланиб, ишлов берилган. Ана сизга фойда қилишнинг йўли. Ҳаром луқма билан рўзғор тебратаётган, болаларини боқаётган айрим сотувчилар бировларнинг қарғишидан, гуноҳидан қўрқмайдилар...

Баҳора КАМОЛОВА.
"Адолат ёлқини", 22.02.2008

ТАҚЛИДНИНГ «МЕВА»СИ

Бугун бизни миллий-диний қадриятларимиздан узиб, тубан ҳаёт тарзига бошлаётган ажнабий «маданият»лар, бемаъни мафкуралар хуружига дуч келиб турибмиз. Гап мазмун жиҳатидан ниҳоятда саёз, ғояси бузуқ сериаллар ва бузуқ фильмлар ҳақида кетаётганини сезган бўлсангиз керак. Уларнинг номлари «Алия» ёки «Камила» бўладими, «Муҳаббат қаҳваси» ёки «Аччиқ ёлғон» бўладими, «Даллас» ёки «Ёлғон асираси» бўладими, аҳамияти йўқ. Ҳаммаси қолипдан чиққандай бир хил, бир-биридан чучмал, сийқа, сохта муносабатлар асосига қурилган. Ҳаммасида эр хотинни алдайди ёки аксинча. Бир-биридан ўч олишга қасд қилади. Ҳаммасида зино, беҳаёлик, бузуқлик, бойлик, пул топиш учун ҳеч нарсадан қайтмаслик каби иллатлар очиқ-ойдин тарғиб қилинади. Ана шу сериал қаҳрамонлари учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ. Улар на динни, на ота-онани, на инсоний қадриятларни ҳурмат қилади. Томчи тошни тешганидай, ана шу жирканч тасвирлар, кўринмас заҳар ойлар мобайнида аста-секин қалбларни, онгларни ўйиб, қиймалаяпти.

Азамат ЗАРИПОВ.
"Дўстлик байроғи", 28.02.2008

САВОЛИДАН АҲВОЛИ АЁН

...Туманлардан бирида тузуккина мансабда ишловчи киши таҳририятимизга қўнғироқ қилиб, «Фалончи газетанинг бош директори ким?» деб сўраб қолди. «Директор эмас, муҳаррир», дея унинг хатосини тузатдик. Кейин эса ўша газетанинг сўнгги саҳифасида бош муҳаррир исм-шарифи ёзиб қўйилишини эслатган бўлдик. «Йўғе, — деди у ишонқирамай, — муҳаррирнинг фамилияси ҳар бир сонда ёзилмаса керак...»

Кулгили ва ачинарли ҳолат. Шундай эмасми? Ўша раҳбар ўзи билмаган ҳолда "қовун тушириб" қўйди, унинг газета ўқимаслиги аён эди. Танқидий мақолага жавоб хати ёзиш учун бош муҳаррир исм-шарифи керак бўлганини пайқаб, унга ёрдамлашиб юбордик, албатта.

Лекин газета ўқимаган раҳбарнинг қўнғироғи анчагача ёдимиздан кўтарилмай юрди. Негаки, сал аввалроқ касби ҳосилот бўлган бир киши «Қишлоқ ҳаёти» ҳам Бухородан чиқадими?» деб сўраганида ажабланганди. Олий маълумотли кишининг республика газетаси Тошкентда чоп этилишини билмаслиги чиндан ҳам ғалати эди-да. Энди эса зиёли, қолаверса, қўл остида ўнлаб киши ишловчи бу раҳбарнинг газета бош муҳарририни "директор" деб туриши чиндан ҳам ачинарли ҳол. Ўзини зиёли санаб юрганнинг аҳволию саволи шу бўлса, ўзгадан ўпкаламай қўя қолайлик.

Истам ИБРОҲИМОВ.
«Бухоронома», 1.03.2008

SariOsiyo
Ижтимоий-сиёсий газета

ТОПОНИМ ВА ТАРИХ

Сўз, ном мазмун-моҳиятини туб бузиб кўрсатиши мумкин бўлган Ў, Ғ, Қ, Ҳ ҳарфлари компьютерларда йўқ баҳонаси билан тузатилмай ёзилаяпти. Аслида эътиборсизлик сабаб, компьютерларга бу ҳарфларни тўғри киритиш, тузатишга лоқайд қараб келинмоқда. Яна бир жиддий камчилик ҳужжатлар тўлдириш, маълумот беришда яшаш манзиллари жойлашуви бузиб, мантиққа зид кўрсатилаётганидир. Эслатиш лозимки, қишлоқ номи кўрсатилаётганда ҳали-ҳануз ширкат хўжаликлари ёки СФҲга қарашли деб тўлдирилмоқда (бу, айниқса, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар юритаётган ҳужжатларда кўпроқ учрайди). Бунда аслида туман, қишлоқ фуқаролар йиғини номи келтирилиб, кейин қишлоқ номи кўрсатилиши лозим эмасми?

Нарзулло ХОЛИҚОВ.
"Сариосиё", 29.02.2008

Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.



Шердор, Тиллакори, Мирзо Улуғбек мадрасалари халқимизнинг бебаҳо маданий меросидир. Уларнинг номидан фойдаланиб, баъзи тадбиркорларнинг обрў-эътибор қозонишга ҳаракат қилаётгани миллий қадриятларимизни беҳурмат қилишдан ўзга нарса эмас.

МЕРОС

Нодир санъат сирлари

Ўлкамизда тарихий ва маданий ёдгорликлар, аждодларимизнинг юксак заковати, ақлу идроки билан барпо этилган обидалар кўп. Жумладан, XIX асрнинг иккинчи ярмида биргина Тошкент шаҳрида Хўжа Аҳрор, Кўкалдош, Бароқхон, Ҳазрати Мўйи муборак, Эшонқул додхоҳ, Муҳаммадкарим ҳожи, Исахўжа қози, Абулқосим эшон, Бўрихўжа халифа, Кубор, Қўштут сингари 20 дан ортиқ мадраса бўлган.

Маълумки, ўтмишда ўрта-махсус ва олий ўқув юртлари мадраса деб аталган. Уларда мактабдорлар, уламолар, айримларида арбоблар тайёрланган. Баъзи мадрасаларда, хусусан, Муҳаммадкарим мадрасасида мусиқашунослик, миниатюрачилик, мусиқа асбоблари ясаш, наққошлик, хаттотлик, саҳҳоблик (муқовачилик) каби санъат ва миллий ҳунармандчилик турлари ўргатилган.

Бешёғоч даҳаси ёдгорликларидан энг кўзга кўрингани – Абулқосим мадрасаси Тошкентнинг ўрта асрлар охиридаги меъморий гўзаллигини ўзида мужассам этган.

Абулқосим мадрасаси фақат меъморий ёдгорлик бўлибгина қолмай, балки тарихий ва маданий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда 1914-17 йилларда ўзбек романчилиги мактабининг дарғаси Абдулла Қодирий, биринчи ўзбек дорилфунуни асосчиси Мунавварқори Абдурашидхонов, драматург Ғулом Зафарий ва профессор Абдурауф Фитратлар маълум вақт таҳсил олганлар.



Ёғоч ўймакори Жамолхўжа Азларов шогирди билан.

— Абулқосим мадрасаси 70 йил давомида илм ўчоғи бўлиб хизмат қилди, — дейди «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими бошлиғи Абдулазиз Муҳаммадкаримов. — Қарийб 20 йилдирки, миллий қадриятларимизни тиклашда хизмат қилиб келмоқда. Жамғарманинг республика бошқаруви билан ҳамкорликда катта маънавий ва моддий аҳамиятга эга бўлган қадимий ҳунармандчилик буюмлари, кўҳна ва нодир қўлёзмалар йиғилмоқда. Жумладан, 1850 йилда Абулқосим мадрасасининг очилиш маросимига тақдим этилган кўп қаватли лавҳ, яъни китоб таглиги алоҳида қимматга эга. Боиси, ушбу турдаги лавҳ йўқолиб кетган, айни пайтда мадраса ҳунармандлари ундан андоза олиб ясашни йўлга қўйганлар.

Кези келганда айтиш жоизки, дунёда ўзининг қадимий миллий ҳунармандчилик санъатига эга бўлган халқлар бармоқ билан санарли. Не бахтки, биз ана шундай нодир санъати билан дунёга танилган халқмиз. Миллий ҳунармандчилик тарихи халқимиз тарихи сингари кўҳна ва бойдир. Вақтнинг бешафқат чиғириғидан ўтиб, бизгача етиб келган санъатнинг барча бетакрор намуналарини сақлаш ва такомиллаштириш мақсадида бу гўшада ўзига хос устоз-шогирд йўналишидаги мактаб ташкил этилган.

Ҳозирда бу ерда 200 га яқин шогирд ёғоч ўймакорлиги, наққошлик, мусаввирлик, чармга гул босиш, сандиқчилик, заргарлик сингари халқ ҳунармандчилиги сирларини ўрганмоқда.

Камолхон АЗЛАРОВ, ёғоч ўймакори:

– Мана бир неча йиллардан буён Абулқосим мадрасасида ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб, унинг сир-асрорларини ўрганиб келяпман. Оиламизни ҳунармандлар сулоласи дейишади. Айтишларича, боболаримиз ҳам миллий ҳунармандчилик билан машғул бўлишган экан. Айниқса, мадраса ҳовлиси тўридаги Хонақойи Мўйи муборак пештоқи китобасида араб имлосида «Бу арк каби бинода Расулнинг латиф мўйи бор» жумласини ўйиб битишда отам — ёғоч ўймакори Акмал Азларовнинг меҳнати сингганлигидан фахрланаман. Биз эндиликда укам Жамолхўжа ва Саидазим Рашидов, Абдулазиз Фаттоҳов, Жамшид Ғуломов, Носир Усмонов, Жавлон Умаров, Шуҳрат Зокиров сингари йигитлар билан нафақат оддий лавҳ, балки, оёқчали лавҳ ва лаганларга ҳам ишлов беряпмиз.

Абдулла ҚОСИМОВ, сандиқчи:

— Мазкур мадрасада ўғлим Бахтиёр билан биргаликда сандиқчилик ҳунарини янада такомиллаштириб келяпмиз. Ҳозирда бодомча, туморча, найзаки, грех, бўртма услубларини қўллаган ҳолда сандиқлар ясаяпмиз.

Сандиқ тайёрлашда асосан, тунука, мис ҳамда латун сингари металл хомашёларидан фойдаланамиз. Бу каби металлар маҳсулот сифатини оширибгина қолмай, ҳунармандчилик маҳсули бўлган тайёр сандиқларни ҳақиқий санъат асари даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Ҳа, дарвоқе, ўғлим Бахтиёр сулоламизнинг сандиқчилик билан шуғулланаётган бешинчи авлоди. Ундан умидим катта.

— Ҳозирги миллий ўзликни англаш жараёни халқимизнинг ўтмиш маданий меросини чуқур ўрганиш, ўзлаштиришни тақозо этади, — дея сўзида давом этади Абдулазиз Муҳаммадкаримов. – Қадимий обидалар, халқ амалий санъати моҳиятини аҳоли, хусусан, ёшларга етказиш учун эса аввало уларни теран илмий тадқиқ этиш, тарғибот ишларини амалга ошириш лозим.

Зеро, бизнинг вазифамиз фақат ёдгорлик деворларини сақлаб қолиш эмас, унинг замиридаги халқимизнинг гўзал анъаналарини ривожлантириш ҳамдир.

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Ҳуррият» мухбири.

HAMKORBANK

Акциядорлик тижорат «Ҳамкорбанк»нинг Фарғона филиали жамоаси барча ҳамюртларимизни баҳор байрами билан табриклаб, қулай ва даромадли қуйидаги омонат турларини таклиф этади:

«ИШОНЧ»
– Йиллик 26% 3 ой муддатга қабул қилинади.
– Омонат бир марта қўйилиб бир марта олинади.
– Омонат фоизи мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда олиниши мумкин.
– Омонатга пул қўйишнинг энг кам бадали – 300 000 сўм.

«БАРҚАРОР»
– Йиллик 24% 3 ой муддатга қабул қилинади.
– Омонатга бир марта қўйилиб бир марта олинади.
– Омонат фоизи мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда олиниши мумкин.
– Омонатга пул қўйишнинг энг кам бадали – 100 000 сўм.

«ТАЯНЧ»
– Йиллик 24% 3 йил муддатга қабул қилинади.
– Омонатга мижоз томонидан қўшимча бадаллар киритилиши мумкин.
– Омонатга пул қўйишнинг энг кам бадали – 100 000 сўм.

«ҲАММАБОП»:
– Йиллик 21 фоиз 6 ой муддатга қабул қилинади.
– Омонатга мижоз томонидан қўшимча бадаллар киритилиши ҳамда маблағдан қисман олиши мумкин.
– Омонат фоизи мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда олиниши мумкин.
– Омонатга пул қўйишнинг қуйи ва юқори миқдорлари чегараланмаган.

«БОЛАЛАР»
– Йиллик 18 фоиз 6 йил муддатга қабул қилинади.
– Бу омонатдаги маблағлар бола балоғат ёшига етгунга қадар сақланади.
– Омонатга қўйилган кундан бошлаб 6 йил муддат ичида қўшимча бадал киритиб бориш мумкин.

«УНИВЕРСАЛ»
– Йиллик 12 фоиз 6 ой муддатга қабул қилинади.
– Омонатга мижоз томонидан қўшимча бадаллар киритилиши ҳамда маблағдан қисман олиниши мумкин.
– Омонат фоизи мижознинг хоҳишига кўра ҳар ойда берилиши мумкин.
– Омонатга пул қўйишнинг энг кам бадали – 50 АҚШ доллари.

АТБ «Ҳамкорбанк» Фарғона филиали.
Манзил: Фарғона шаҳри, Қори Ниёзий кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (8-373) 224-89-68, 224-89-91.

ТАБРИК

Самарқанд вилояти Нарпай тумани ўсимликларни ҳимоя қилиш ташкилоти жамоаси

Мамлакатимиз хотин-қизларини яқинлашиб келаётган энг дилбар байрам — 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан муборакбод этади.

Умрингизнинг ҳар бир они саодатли ўтсин. Бахт, омад, муваффақият, тинчлик-осойишталик, шоду хуррамлик ва гўзаллик ажралмас йўлдошингиз бўлсин.

Қалбингиздаги барча эзгу ниятларингиз тўла рўёбга чиқсин.

Ҳурматли юртдошлар!

"Асака" банки 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрамлари муносабати билан миллий ва хорижий валюталарда 40 турдаги омонатларини таклиф этади.



Жумладан,
МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

1. **"ҚАЛДИРҒОЧ".** Омонатнинг энг кам миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати — 3 йил.
Омонат бўйича йиллик 29 % ҳисобланади.
Қўшимча маблағлар қабул қилинади.
Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра ҳар ойда берилиши мумкин.

2. **"БАХТЛИ АЁЛ"** омонатнинг энг кам миқдори — 100 000 сўм.
Сақлаш муддати — 5 ой.
Омонат бўйича йиллик 30 % ҳисобланади.
Қўшимча маблағлар қабул қилинмайди.
Омонат бўйича ҳисобланган фоизлар мижознинг истагига кўра омонат очилган куни берилиши мумкин.

3. **"ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА"** омонатининг энг кам миқдори — 250 000 сўм.
Сақлаш муддати – 9 ой.
Омонат бўйича йиллик 25 % ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизларни 9 ой ўтгандан сўнг олиш мумкин.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДАГИ ОМОНАТЛАР:

1. **"ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА"** омонатининг энг кам миқдори – 500 АҚШ доллари.
Сақлаш муддати — 6 ой.
Омонат бўйича йиллик 10 % ҳисобланади.
Ҳисобланган фоизларни 6 ой ўтгандан сўнг олиш мумкин.

2. **"ТАҚДИМ ЭТУВЧИГА"** омонатининг энг кам миқдори – 200 евро.
Сақлаш муддати — 9 ой.
Омонат бўйича йиллик 7 % ҳисобланади.
Қўшимча маблағлар қабул қилинмайди.
Ҳисобланган фоизларни 9 ой ўтгандан сўнг олиш мумкин.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

ДАТ "Асака" банки сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча омонатларнинг қайтарилиши фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан таъминланади.

Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 120-82-92, 120-82-60, 120-81-73.

Фарғона тиббиёт коллежи

жамоаси юртимиздаги барча аёлларни кириб келаётган баҳор байрами – 8 март Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди.

Ардоқли онажонларимиз, меҳрибон опа-сингилларимизга файз-фароғатли ва бахтли умр тилаймиз.



Қалбларингиз баҳорий қувончларга тўлсин.

Байрамингиз муборак бўлсин!

Сурхондарё вилояти Бойсун тумани Автомобиль-йўл бошқармаси

жамоаси мамлакатимиздаги барча хотин-қизларни нафосат ва яшариш байрами – 8 март куни билан муборакбод этади.

Ҳаётингизда ҳамиша хушвақтлик ҳамроҳ бўлсин. Баҳор каби сулувлик Сизларни тарк этмасин.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз опа-сингиллар!

ЎЗБЕКИСТОН – КЎП МИЛЛАТЛИ МАМЛАКАТ

Меҳр маскани

Бошқирдлар азалдан халқимиз билан бақамти яшаб келишган. Пойтахтимизда фаолият юритаётган миллий марказда ҳар йили бошқирдларнинг миллий қаҳрамони Салават Юлаевнинг хотира куни ва бошқа саналар кенг нишонланади.

Меҳр бор жойда тотувлик бўлади, халқлар аҳил яшайди. Эл осойишталигини эса ҳеч қандай моддий бойлик билан тенглаштириб бўлмайди. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган меҳр-оқибат туйғусини жаннатмакон юртимизда турли миллат вакиллари оға-инидек умргузаронлик қилишаётганидан ҳам билиш мумкин. Одамийлик ҳисси, инсон деган мўътабар ном бир тупроқнинг тузини тотаётган юртдошларимизни бирлаштираётган куч бўлса, не ажаб.

Онаизор ўз фарзандларига айро-айро меҳр бермаганидек, саховатпеша диёримиз ҳам барча инсонларга бир бутун муҳаббат кўрсатаётган аҳиллигимизнинг боисидир.

Статистик маълумотларга назар ташлайдиган бўлсак, ҳозирги кунда курраи заминимизда 1600 дан зиёд миллат ва элат истиқомат қилади. Бугун Ўзбекистонда эса 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари аҳил ва бахтли яшашмоқда.

Шу ўринда «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори остида яшаётган турли миллатларнинг маданияти, қадрияти, урф-одатларию удумларини бутунлигича сақлаб қолиш ва ривожлантириш йўлида Республика Байналмилал маданият марказининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз.

Ўзбекистонда дунганлар асосан Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманидаги Қорасув хўжалигида истиқомат қилишади. Улар хитой тилини шеньси шевасида сўзлашадилар. Азалдан сабзавоткор ва шоликор сифатида танилган дунганларнинг тажрибаси республикамизга кенг ёйилган.

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган мазкур марказ 16 йилдан бери юртимизнинг турли ҳудудларидаги юздан ортиқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириб келмоқда. Биргина пойтахтнинг ўзида 37 та миллий марказ ташкил этилган. Уларнинг Тошкент шаҳрида яшаётган ҳар бир миллат маданий ривожи йўлидаги хизмати катта.

Республика Байналмилал маданият маркази Ўзбекистонда яшаётган турли миллат фарзандларининг учрашув жойи, ўзига хос дўстлик уйига айланган, десак муболаға бўлмаса керак. Бу ерда мунтазам равишда халқ байрамлари, фестиваллар, турли адабий учрашувлар, таниқли маданият арбобларининг чиқишлари, семинарлар ўтказиб турилади. Яқинда марказ томонидан 20 дан ортиқ миллат шоирларининг 80 дан зиёд шеърларини ўзида жамлаган «Эътироф» номли шеърий тўплам чоп этилгани қувончлидир.

Аёл зоти қайси миллат вакили бўлмасин, у меҳри дарё она, суюкли ёр, куюнчак опаю, синчалак сингил. Ҳаёт унинг меҳр-муҳаббати билан тирик. Гарчи у дунёни тебратар даражада қудрат эгаси бўлса-да, севгига, меҳрга ташна. Уни асраш, гулдан андоза олган кўнглини дунё ғурбатларидан сақлаш эр йигитнинг сурури, мардлигидир. Айём қутлуғ келиб, юртимиз аёлларининг бахти бекам бўлсин, бағри кенг халқимизнинг тинчлиги, тотувлигию, бирдамлигига кўз тегмасин, деймиз.

Дунганларнинг куёвга оқ фотиҳа бериш онларидан лавҳа.



Ҳозирги кунда корейс диаспораси МДҲда энг салмоқли бўлиб, жаҳонда ХХР, АҚШ ва Японияда кейин тўртинчи ўринда туради. Ўзбекистонда истиқомат қилаётган корейс миллатига мансуб аҳолининг 90 фоизга яқини шу ерда туғилган ва улар Ўзбекистонни ўз ватани деб ҳисоблашади.

Мунажотхон НУРМАТОВА,
Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари ўринбосари.

Республика Акционерлик тижорат

«Галла банк»

Фарғона минтақавий филиали жамоаси Ўзбекистон деб аталмиш бетакрор юртимизнинг барча аёлларини дилбар ва сулув қизларини яқинлашиб келаётган баҳор ва шодлик байрами — Халқаро хотин-қизлар куни билан табриклайди.

РАТБ «Галла банк» Фарғона минтақавий филиали Сизнинг иқтисодий имкониятларингиз ортишида, қобилият ва ташкилотчилигингиз рўёбга чиқишида, эзгу орзуларингиз амалга ошишида энг ишончли ҳамкор эканлигини таъкидлаб, Сиз учун хизмат қиладиган қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади:

«КАМОЛОТ»
– Омонатга маблағлар 1 ой муддатга қабул қилинади.
– Омонатга йиллик 28 фоиз (ойлик 2,3%) миқдорида фоиз ҳисобланади.

«ЁШЛИК»
– Омонатга маблағлар 4 ой муддатга қабул қилинади.
– Омонатга йиллик 25 фоиз (ойлик 2,3%) миқдорида фоиз ҳисобланади.
– Фоизлар омонат қўйилган санадан бошлаб ҳар ой якуни бўйича тўлаб берилади.

«ОРЗУ»
— Омонат маблағлар 15 ой муддатга қабул қилинади.
— Омонатга йиллик 25 фоиз (ойлик 2,08 %) миқдорида фоизлар ҳисобланади.
— Фоизлар омонат қўйилган санадан бошлаб ҳар ой якуни бўйича тўлаб берилади.

Барча омонатларга қабул қилинадиган сумманинг энг кам миқдори 100 000 (юз минг) сўм.

Манзилимиз: Фарғона шаҳри, Қиргули мавзеси, Қурувчилар кўчаси, 13-уй (мўлжал «Нефтчи» спорт мажмуаси)

РАТБ «Галла банк» Фарғона минтақавий филиали.

ДУНЁДА НИМА ГАП?

ПИРУ БАДАВЛАТЛАР

"Замонамиздан ўргилай"

дейди 104 ёшли Бекажон момо Отажонова мамнун

Суратда: 104 ёшли Бекажон момо (ўнгда) 75 ёшли келини Реймажон ая билан.

Юз ёшдан ошган, бир асрнинг юзини кўрган онахон истиқболимга чиқади — нақш ўйилган, жимжимадор ҳассасини адл тутиб юради. Кўзлари равшан кўради, хотираси кучли. Озодалиги шундоқ кўриниб турибди, оппоқ пахтадек, гард қўнмаган, қордек ҳарир кийимлар онахоннинг нурафшон чеҳрасини янада кўркамлаштириб юборгандек. Бекажон момо биз билан ҳамроҳ бўлиб борган Янгиариқ тумани Каттабоғ қишлоқ фуқаролар йиғини раисаси Аноржон Вафоева ҳамда диний, маърифий-маънавий ахлоқий ишлар бўйича маҳалла маслаҳатчиси Султонпошша Эгамова билан ҳам қуюқкина сўрашади. Оиласи, келинлари ҳақида, қишлоқдаги ўзгаришлар хусусида батафсил суриштиради. Қишлоқда анъанавий касб-корга айланиб қолган тандирчилар, хусусан, кулолчиликдаги янгиликлар ҳақида билгиси келади. Кунига юзтача тандир ясалаётганини эшитиб, жилмайиб ҳам қўяди. Кейин юз йиллаб давом этиб келаётган тандирчилар сулоласи ҳақида гапиради. Хотираси яхши онахоннинг муносабатидан қувонамиз. Сочлари қув оқарган, тагидан қора сочлар чиқаётган момонинг ёшлиги ҳақида, бундан бир аср муқаддам олдинги ҳаёт ҳақида билгимиз келади.

— Энг машаққатли даврлар эди. Биз аёл бўлишимизга қарамасдан оғир юмушларни бажардик, — онахоннинг хаёли қалам қошли йилларига кетиб қолади. — Бир яшар эмизикли боламни ташлаб қазувга чиққанман. Тошсоқа каналини бунёд этишда қатнащдим. У замонларда трактор қайда эди, катта-катта харсанг лойларни эркакларнинг елкасига қўярдик. Улар ташқарига чиқариб ташлашарди, гоҳида ўзимиз ҳам елкамизга ортиб чиқиб кетаверардик. Музнинг устида юриб қазув қазганмиз. Шундаям ҳеч кимга замондан шикоят қилмаганмиз. Меҳнатки инсонни улуғлашини ўшандаёқ ҳис қилганман. Турмуш ўртоғим раҳматлик Ниёзмат бобо билан елкама-елка туриб меҳнат қилардим. Ўн фарзандимдан уч нафари — Рўзивой, Гулчеҳра, Ўринбойлар яшаб қолишган, қолганлари турли хил касалликдан ўтиб кетишди. У даврда бугунгидек шифокор, шифохоналар қайда эди.

Янгиариқ туманининг Каттабоғ қишлоғида Рўзивой муаллимни ширин хотиралар билан эслашади. Етмиш йиллик умрини ёш авлод тарбиясига бағишлаган муаллим момохоннинг катта ўғли эди.

— Рўзивой боламнинг уйи бу. Мана шу қорақўзлар невара-чевараларим. Келиним Реймажон ҳозир 75 ёшда. Боламдан айрилиб қолдим, икки йил бўлди... — Волидаи муҳтараманинг кўзлари ёшланади. — Рўзивой боламнинг садоқатли умр йўлдоши Реймажондан ҳам миннатдорман. Илоҳим менинг ёшимни берсин унга. Юз ёшдан ошганимда, ўтган йили юртимизнинг мустақиллик тўйи арафасида Президентимиз мени "Шуҳрат" медали билан мукофотлади. Бу меҳнатларимнинг меваси эмасми ахир. Шу муносабат билан ҳокимликдан келишиб телевизор, гилам билан тақдирлаб кетишди. Замонамдан ўргилай, тинч, осойишта, бахтли турмуш кечиряпмиз. Кексалар иззатда. Анчагина нафақа пули оламан. Почтальон кетиши биланоқ невараларимга тарқатаман...

Бир аср ёшидан ўтган момонинг ҳикоялари завқли. У мадрасада таҳсил олган мулла Бекжон охун деган бобоси ҳамда Отажон мулла деган отаси билан фахрланади. Илм олишнинг қадр-қиммати хусусида гапиради. Нозик елкаларида асрларни опичлаб ўтган аёл, ташвиш-у ғамларни элнинг эр йигитлари қатори елкалаб ўтган аёл, урушнинг ситамларига мардона дош берган аёл, садоқат ва вафо тимсоли бўлган аёл! У муҳаббатнинг, садоқатнинг тирик тимсоли, сирли-синоатга тўлиқ мўъжиза тимсолидир.

— Ҳар йил 8 мартни энамнинг туғилган куни сифатида нишонлаймиз, — невараси Умаржон сухбатга қўшилади, — Шу куни уйимиз тўйхонага айланади. Энамнинг невара-чеваралари, чевара кувёлари дейсизми, ҳаммаси йиғилишади. Келган борки, энамнинг дуосини олишга ҳаракат қилишади. 50 невара, 70 дан зиёд чеварани тасаввур қилаверинг...

Каттабоғнинг кекса ва суюкли момосининг сўзлари, ойдин тилаклари адо бўлмайди. Зеро, дуо олтиндан ҳам афзалдир. Элминнинг кўрғонларини ана шундай пиру бадавлат кексаларнинг дуолари қўллаб турар эҳтимол...

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА,
Хоразм вилояти.

Бойсун туманидаги

АГРОСАНОАТ КАСБ-ҲУНАР КОЛЛЕЖИ

жамоаси

азиз аёлларимизни яқинлашиб келаётган 8 март куни билан қутлайди. Уларни гўзаллик ва нафосат ҳеч қачон тарк этмасин.

ТИББИЁТ

Малакали хизмат йўлида

– Юртимизда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, рўй бераётган ижобий ўзгаришларда хотин-қизларнинг ҳам хизматлари катта, – дейди Қўқон шаҳар ҳокимлигининг соғлиқни сақлаш бўлими бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Комилжон Сирожиддинов. – Чунончи, улар тиббиёт соҳасида ҳам таҳсинга сазовор ишларни амалга оширмоқдалар. Хотин-қизларимиз меҳнат қилаётган, бошқараётган йирик тиббиёт масканлари аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, юксак тиббий хизмат кўрсатишда шаҳримизда намуна бўлмоқда. Халқимиз кўрсатилаётган хизматдан мамнун, ўз дардига шифо излаб келган беморлар ҳар доим кўзда қувонч билан уйларига қайтмоқдалар.

Шаҳримиздаги тиббиёт масканлари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, барча қулайликларга эга бўлган шифохоналарда малакали хизмат кўрсатилмоқда.

Нагима АЛИЕВА ®

Суратда: (ўнгдан) 1-юқумли касалликлар шифохонаси етакчи мутахассиси Санамхон Хожаева, гўдаклар уйи бош шифокори Мавлудахон Иброҳимова, онкологик касалликлар шифохонаси етакчи мутахассиси Мақсудахон Усмонова ва шаҳар Саломатлик маркази директори Нигорахон Абдурахмонова.

РОССИЯ: ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ИЛК НАТИЖАЛАРИ

Россияда иккинчи март куни бўлиб ўтган президент сайловининг дастлабки ҳисоб-китобларига кўра, Дмитрий Медведев 70,24 % овоз йиғишга эришди. Кутилгандек қолган номзодларни (Геннадий Зюганов - 17,75 %, Владимир Жириновский - 9,36 %, Андрей Богданов - 1,30 %) сайловчиларнинг озчилик қисми қўллаб-қувватлади. Мазкур натижалар Марказий сайлов комиссияси томонидан бюллетенларнинг 99,85 фоизи ҳисоблаб чиқилганидан кейин тарқатилди.

Президент сайловида тўрт нафар номзод қатнашди. Владимир Жириновский либерал-демократик партия, Геннадий Зюганов коммунистик партия, Дмитрий Медведев "Единая Россия" партиясидан номзод этиб кўрсатилди. Андрей Богданов эса мустақил номзод сифатида илк бор президентлик учун кураш олиб борди.

Марказий сайлов комиссияси маълумотига кўра, овоз бериш учун 96,3 минг, жумладан, дунёнинг 142 мамлакатида 364 та сайлов участкаси ташкил этилди. Сайлов жараёнларини таҳлил қилиш учун ўттиздан ошиқ давлатдан 300 дан зиёд кузатувчи келди.

Сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг 69,61 фоизи иштирок этди.

ШВАРЦЕНЕГГЕР СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИ БЕКОР ҚИЛМОҚЧИ

Калифорния штати губернатори Арнольд Шварценеггер солиқ борасидаги бир қатор имтиёзларни бекор қилиш керак-лигини маълум қилди, деб ёзади The Los Angeles Times газетаси.

Губернаторнинг фикрича, жисмоний ва юридик шахслар учун айрим имтиёзларнинг бекор қилиниши туфайли штат ғазнасига қўшимча 2,5 миллиард доллар тушиши мумкин. Бу эса таълим учун ажратилаётган маблағларни қисқартиришнинг олдини олади. Аввалроқ штат бюджетида 16 миллиард доллар дефицит юзага келгани муносабати билан таълим учун ажратилаётган маблағ миқдорини 4,4 миллиард долларга камайтириш зарурати ҳақида айтилган эди.

А. Шварценеггер таклифига кўра, пенсионерлар, вояга етмаган фарзанди бор ота-оналар, илмий тадқиқот билан шуғулланувчи компанияларнинг солиқ борасидаги имтиёзлари бекор қилиниши зарур. Ана шунга асосланиб, мухолифлар собиқ актёрни республикачиларга хос солиқларни камайтириш сиёсатидан чекинишда айблашмоқда.

ДУНЁДАГИ ЭНГ ҚИММАТ ИМОРАТ

Лондонда кўчмас мулк бўйича янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Англия пойтахтида жойлашган беш қаватли иморат 80 миллион фунт стерлинг (159 миллион АҚШ доллари)га сотиб олинди. Энг қиммат турар жойнинг харидори Украина собиқ президентининг қизи Елена Франчук бўлди.

Собиқ раҳбарнинг қизи айни пайтда Украинанинг энг бадавлат кишилари рўйхатида иккинчи ўринда турган Виктор Пинчукнинг рафиқаси саналади.

Кенсингтон даҳасидаги иморат ҳозирча яшаш учун тайёр эмас. Бинони тўла таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш учун 10 миллион фунт ва 18 ой керак бўлади. Иморат ичида ҳовуз, спортзал, кинотеатр, фавқулодда вазиятлар учун бошпана, шунингдек, ўнлаб хоналар мавжуд.



Энг қиммат иморат бўлиб турган мазкур масканда 1997 йилга қадар қизлар мактаби жойлашган. Кейинроқ бинони хитойлик бадавлат бир оила сотиб олган.

Ҳозирга қадар кўчмас мулк борасидаги рекорд натижа ҳиндистонлик миллиардер Лакшми Митталга тегишли эди. У 2004 йили айни шу Кенсингтон даҳасидаги ҳашаматли бинони 67 миллион фунт стерлингга харид қилган эди.

ПУЛ ҚАДРСИЗЛАНИШИ ХАВОТИРИ

2008 йилнинг дастлабки ойида евро муомалада бўлган давлатларда пул қадрсизланиши 3,2 фоизга етди. Бу ҳақдаги маълумот Европа Иттифоқининг статистика бошқармаси (Eurostat) томонидан тарқатилди. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия манбалари учун сарфланган маблағларни ҳисобга олмаганда ҳам истеъмол савати баҳоси 2,3 фоизга ошган.

Пул қадрсизланиши бутун Иттифоқ бўйича ўтган йилнинг декабри билан қиёсланганда 3,2 фоиздан 3,4 фоизга кўтарилди. Бу борадаги энг паст кўрсаткич (2,8 фоиз) Германияда қайд этилди.

Дарвоқе, жорий йилнинг бошидан евроҳудуд Мальта ва Кипр ҳисобига кенгайди. Бу ҳолат ҳам пул қадрсизланишига маълум даражада таъсир кўрсатди. Шу билан бирга озиқ-овқат маҳсулотлари ва энергия манбалари баҳосининг ошиши ҳам инфляция ўсишига олиб келди.

АРМАНИСТОНДА ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ

Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида йигирма кунлик фавқулодда ҳолат амал қилмоқда. Мамлакат президенти Роберт Кочарян бу ҳақдаги фармонга биринчи март куни имзо чеккан эди. Фавқулодда ҳолатнинг жорий этилишига пойтахт ҳудудида радикал кайфияттаги намойишчилар томонидан йўлларнинг тўсиб қўйилиши ва автомобилларнинг ёқиб юборилиши сабаб бўлган эди.

Норозилик чиқишлари ўтган ҳафта охирида янги тўлқинда бошланди. Амалдаги ҳукуматга мухолифатда бўлган ўттиз мингга яқин намойишчи Озодлик майдонида йиғилди. Полиция ва мухолифат ўртасида тўқнашувлар рўй берди. Ахборот агентликлари тўқнашув пайтида 8 нафар киши қурбон бўлгани, 120 дан ошиқ одам жароҳатлангани хусусида хабар бермоқда.

Намойишчилар яқинда бўлиб ўтган ва Серж Саркисяннинг ғалабаси билан якунланган президент сайлови натижаларидан норози эканликларини билдирмоқдалар. Левон Тер-Петросян номзодини ёқлаётган сиёсий кучлар уни уй қамоғидан чиқаришни ҳам талаб қилмоқдалар.

Фавқулодда ҳолат муносабати билан Ереванда оммавий чиқишлар, намойишлар ўтказиш тақиқланди. Ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари зарур ҳолларда фуқаролар ва транспорт воситаларини тинтув қилиши мумкин.

АФҒОНИСТОН ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЕТИШТИРИШДА ҲАМОН БИРИНЧИ

Афғон деҳқонлари кетма-кет иккинчи йил рекорд даражада кўкнори ҳосили етиштиришди дейилади АҚШ давлат департаменти томонидан эълон қилинган ҳисоботда.

"Гиёҳванд моддалар тарқалашига қарши курашнинг халқаро стратегияси-2008" маърузасида айтилишича, 2007 йили дунё миқёсида етиштирилган кўкнорининг 93 фоизи Афғонистон ҳиссасига тўғри келди. БМТ маълумотлари асосида тайёрланган ҳужжатга кўра, ўтган йили афғон деҳқонлари 193 минг гектар ердан 8,2 минг тонна кўкнори олишди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, гиёҳванд моддалар етиштириш ҳажмининг ошиб бораётганига ҳосилдорлик юқори экани ҳам сабаб бўлмоқда. Масалан, 2006 йили гектардан 37 килограмм хомашё олинган бўлса, 2007 йилда бу кўрсаткич 42,5 кг. га етган.

2007 йили гиёҳванд модда етиштиришдан олинган даромад 4 миллиард доллар (мамлакат ялпи ички маҳсулотининг чорак қисми)ни ташкил этди. Аҳолининг 3,3 миллион нафари (14 фоизи) кўкнори етиштиришда банд бўлди.

Умумий даромаднинг фақатгина 1 миллиард доллари бевосита гиёҳванд моддалар етиштириш билан машғул бўлган «деҳқонлар»га теккан. Асосий даромад эса наркомаҳсулотларни хорижга сотувчилар томонидан ўзлаштирилган.

ТАФСИЛОТ

Европада ишлаш осон эмас

Жаҳонга машҳур Microsoft компаниясининг Европадаги фаолияти турли мунозараларга сабаб бўлмоқда. Европа Иттифоқининг рақобат ва монополияга қарши кураш идоралари Америка компаниясини яна мавжуд тартиб ва қонунларга бўйсунмасликда айбламоқда. Ташкилот Microsoftни огоҳлантириш билан чекланмади. Тортишувлар ахборот дастурлари етакчисининг 899 миллион евро миқдорда жаримага тортилиши билан якунланди. Ўтган ҳафта Европа Иттифоқининг рақобат бўйича комиссари Нели Крус Microsoftни белгиланган жаримани зудлик билан тўлашга чақирди.

Microsoft компанияси тарихида судгача борган бу каби можаролар кўп учраган. Баъзида мижозлар, баъзида рақобатчи компаниялар, яна баъзида эса расмий идоралар даъвоси билан компания жазога тортилган.

2004 йили ЕИнинг рақобатга қарши кураш идораси илк бор компанияга 497 миллион евро жарима тайинлади. Жаҳон ахборот дастурлари бозорида етакчи бўлган компания Европадаги иқтисодий соҳадаги қонунларга риоя этмаслик, рақобат борасидаги қонунчиликни бузишда айбланди. Расмий айбловга кўра, компания ўз дастурлари тўғрисидаги ахборотни очиқ эълон қилиши ва рақобатчиларга ҳам маълумот олиш имкони берилиши лозим.

Бир қарашда мазкур тартиб-қоида мантиқсиздек туюлади. Нега деганда, мижоз учун шафқатсиз кураш кетаётган бир пайтда компанияларнинг ўз ихтиролари хусусидаги ахборотни рақибларга қўшқўллаб тутқазиши ақлга сиғмайди. Лекин монополия тўғрисидаги қонунлар бозорда бирор бир компаниянинг якка ҳукмдорлиги юзага келмаслиги ҳамда рақобат муҳити мавжуд бўлишини назарда тутади. Хусусан, Европа бозорларида бу борадаги қонунга қатъий риоя этилади (Рақобат ва монополия тўғридаги қонун бундан ярим аср олдин қабул қилинган).

Microsoft корпорацияси 2004 йилги жаримани тўлашни лозим кўрмади. Билл Гейтс етакчилигидаги компаниянинг жаримани тўламагани эса беписандлик ўлароқ қабул қилинди. Шу тариқа жарима миқдорини янада оширилди. Айни пайтда Microsoftга Европа идоралари томонидан солинган жарима миқдори 1,68 миллиард еврога етди.

Бундан ташқари, компания ахборот дастурлари бозорида яккаҳукмдорликда ҳам айбланмоқда. Монополия борасида чекловлар нуқтаи назаридан баҳолаганда, бу жуда ҳам жиддий айблов. Чунки ана шу айб билан танқид қилинган айрим компанияларнинг жарима билан чекланмай, бўлиб ташлангани ҳам кўп кузатилган.

Microsoft корпорацияси, табиийки, белгиланган жаримани нохушлик билан қабул қилди. Корпорация асосчиси Билл Гейтснинг ўзи Европадаги зиддиятларни тушунарсиз ҳодиса деб баҳолади.

Компания айни пайтда чиқмаган жондан умид қабилида Еврокомиссия қарори устидан судга шикоят қилишга ҳам ҳаракат қиляпти. Лекин корпорациянинг мазкур уринишлари самара бермаса керак. Чунки бунга қадар – 2007 йилнинг сентябрида Microsoft шикоят билан Европа судига мурожаат қилган, лекин даъво қаноатлантирилмасдан ўзгаришсиз қолдирилганди.

Компания ахборотни яшириш борасидаги айбларини "ювиш" учун бўлса керак, ўз сайтида маҳсулотлари хусусидаги 30 минг саҳифалик ҳужжат ҳам эълон қилди.

MICROSOFT корпорацияси
Ташкил этилган вақти: **1975**
Бош қароргоҳи: **Редмонд (АҚШ)**
Асосчилари: **Билл Гейтс ва Пол Аллен**
Фаолият йўналиши: **компьютер дастур таъминоти**
Савдо айланмаси: **44,28 млрд доллар (2006)**
Соф даромад: **12,06 млрд. доллар (2006)**
Ходимлар сони: **71 172 киши.**

Америка компанияларининг Европа бозорида қаршиликка учраётгани янгилик эмас. Масалан, ахборот технологиялари соҳасида етакчи бўлган Intel корпорацияси ўтган ойда монополия ва рақобатга тўсқинлик қилишда айбланди. Компаниянинг бир қанча офислари тинтув қилинди. Intel ҳам яқин кунларда каттагина миқдорда жаримага тортилиши мумкин.

Ана шунга асосланиб, айрим таҳлилчилар Европа бозорида Америка компанияларининг қарши кампания тасодиф ёки фақатгина қонунбузарлик туфайли эмас деган фикрдалар. Мазкур фикр тарафдорларининг таъкидлашига кўра, ахборот технологиялари бозорида океан орти давлатининг етакчилиги Европа расмийларини уларни тўхтатиб туриш бўйича мажбурий чоралар кўришга ундамоқда.

Европа мамлакатлари Америка компаниялари билан рақобатда муваффақиятга эришиш учун фақат жазо чораларини кўраётгани йўқ, албатта. Сўнгги хабарларга қараганда, Европада нанотехнологияларни ривожлантириш учун 5,5 миллиард евро ажратилмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса Европанинг ахборот технологиялари бозорини ривожлантириш ва Америка компанияларини ортда қолдиришдан иборат.

Абдул Собир

СУРАТ ВА СИЙРАТ

Аёллар бахти, бекалик тахти, оналик мартабаси уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Аёл гул каби нозик хилқат. Дунёнинг сариштaлиги ундан, оройиши ундан. Покизалик ва нафислик, садоқат ҳамда вафо тимсоли, тирикликнинг сирли мўъжизаси — Аёлдир!

Яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан мустақил Ўзбекистонимизнинг зиёли ва олима, муаллима ва шифокор, хуллас, барча жабҳада фаол иштирок этаётган назокатли аёлларини чин дилдан табриклаймиз.

Юрт равнақига муносиб улуш қўшишга, мустаҳкамлашга интилаётган, ҳамиша гўзаллик рамзи бўлиб келаётган Ўзбек аёлларининг боши омон, бахт-саодат ҳамиша ёр бўлсин! Аёллик бахти, бекалик тахти, оналик мартабаси уларни ҳеч қачон тарк этмасин.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Хоразм вилоят кенгаши

"ЎЗВИНОСАНОАТ"

холдинг компанияси жамоаси

муҳтарама онахонларимиз, дилбар опа-сингилларимизни 8 март – Халқаро хотин-қизлар байрами билан қутлайди.

Аёллар туфайли хонадонларимиз файзга тўлади, уларнинг қадами етган масканга файзу барака инади. Оила чироғбони, миллат тарбиячиси, нафосат маликалари бўлмиш хотин-қизларимизга баҳорий жўшқин кайфият, битмас-туганмас қувонч ва шодлик тилаймиз.

АРДОҚЛИ ЛАҲЗАЛАР

Ижод аҳли завқли, тотли лаҳзаларни ўзгача идрок этади. Шуурида ўзига хос акс эттиради. Биз қадрдон байрам арафасида мухлислар ардоғига муяссар бўлган, Аллоҳ раҳматига олган айрим шоир ва ёзувчиларимизнинг яқинларидан улар ҳақидаги хотираларини сўрадик. Зеро, таниқли ижодкорларнинг оила ва яқинларига бўлган муносабатлари ҳам ўзига хос ибратдир.

Таъзим



Сайёра ХОЛМИРЗАЕВА:

— Адажоним Шукур Холмирзаев баҳорни, баҳор байрамларини ҳамда гул ва дарахтларни яхши кўрарди.

Адажоним ҳар 8 март байрамида тонгда, опам билан мен ҳали уйғонмасимизданоқ, Олой бозоридан чиройли гулларни сотиб олиб келардилар. Биз уйғонганимизда эса вазада бир даста гуллар бўларди. Адамнинг энг яхши кўрган совғалари гуллар эди. Уйимнинг деворларида осиғлиқ турган бувимнинг ҳам, ўзимнинг ҳам катта расмимни адажоним турли йилларда 8 март байрамида совға қилганлар. Суратларимизни рассом дўстларига чиздиргандилар. Ана шу расмлар доим адамни эслатиб туради.

Мен учун энг яхши совға — адажонимнинг ёнимда соғ-саломат, яхши кайфиятда юришлари эди. Адамнинг бундан 10 йил аввал ёзилган "Таъзим" номли табрикларида таъкидланган қуйидаги сатрларни келтириб ўтмоқчиман: "Биз сизга бош эгамиз Момо ҳаво авлодлари! Азиз оналаримиз, опа-сингилларимиз, донишманд момоларимиз ва жуфти ҳалолларимиз! Сиз борсиз – биз бормиз, дегимиз келади. Сизлар қаршингизда – қўлларимиз кўксимизда!"

Кўнгил гуллари

Ёзувчи Тоғай Муроднинг никоҳ тўйидан лавҳа.

Маъсума АҲМЕДОВА:

— Тоғаймурод аканинг нафақат 8 март байрами, балки умуман аёл кишига ҳурмати, эътибори ўзига хос эди.

80-йиллар... Тоғаймурод ака Москвада, Олий адабиёт курсларида ўқиб юрган кезлари. Ёзувчи Тошкентга қайтишида дўкон айланади. Марказий универмагда хотин-қизлар буюмларига дахлдор расталарга кўз ташлайди. Бир ерда узундан-узун навбатда турган аёлларга яқин боради. Уларга зимдан назар солади. Бир-биридан гўзал, нозик дидли аёллар тоқат билан турнақатор бўлиб турибдими, демак, сотилаётган буюм ҳам чакки эмас! Сотилаётган буюм нималигини, қандайлиги, неча пуллигини суриштириб ўтирмай, у ҳам навбатни улайди, ўша упадан битта эмас, кўпгинасини сотиб олади...

Айтиб беришларича, бир куни шундай навбатда туриб, бежиримгина чарм сумка харид қилади. Ётоқхонага келади, сумкани қўлига олиб, кўнгилтортар ҳамкурслари эшигини қоқади:

— Смотри, я жене купил!

Сумкага, шу сумкани танлаган унинг дидига қойил қолган ошналарига фахр билан буюмни қандай харид қилганини тўлиб-тошиб ҳикоя қилади...

Яна бир гал, Москва сафарида метро йўлагида бир сават гул сотиб ўтирган кампирга кўзи тушади. Қип-қизил чиннигуллар ловуллаб кўзни олади. Гулларга яқин келади. Қараса, шундай чиройли гуллар – жони йўқ. Матодан шундай маҳорат билан ясалганки, табиий гулдан ажратолмайсан. Ўйлаб ўтирмай, шартта сотиб олади.

Аэропортда ҳамсафарлари қаҳратон қиш пайти унинг қўлида қип-қизил гулларни кўриб, таажжубланадилар.

— Хонимга! — дейди у қисқа қилиб.

Ана шу қип-қизил чиннигуллар уйимизда ҳамон Тоғаймурод аканинг самимий, беғубор қалбининг изҳори бўлиб, лов-лов ёниб турибди.

Хотирадан бир шингил

Шоир Муҳаммад Юсуф онаси билан.

Назира ас-САЛОМ:

— Байрам баҳона етти йиллик ҳижронни ортга суриб, яна умр йўлдошим – Муҳаммад акани ўз хотираларим қатида уйимга олиб кирдим...

У эшикни очар-очмас «Хоним» (уйда мени шундай чақирарди) деб чақирди. Мен югуриб чиқдим. У иккала юзимдан ўпиб, аввал чиройли атиргулларни қўлимга тутқазди. Сўнг, қўлидаги пакетларни ерга қўйди-да, — Чақиринг қизларимни деди, чидамай уларнинг хонасига йўланди. Бирпасдан сўнг кайфияти кўтаринки пайтда айтадиган «Фигаро там, фигаро тут»ни баралла айтиб, икки қўлтиғига уларни қистириб, чиқиб келди. Қарасам, қизларнинг қўлида бир даста пул. Оғизлари қулоғида. Кейин менга юзланди: «Хоним, қизларимнинг пулини олиб қўймайсиз. Улар байрам қилишади, хўпми?»

Муҳаммад ака байрам кунлари, айниқса, 8 мартда ошхонани эгаллаб олар, овқатни, салатларни ўз қўли билан тайёрлашни хушларди. Ноз-неъматларни энг чиройли идишларга қўйишни ва оила даврасида нишонлашни суярди. Қарасам, столда бежирим биллур гулдон турибди. Мен қувониб кетдим. Билдимки, буни мени хурсанд қилиш учун атайлаб сотиб олган, Муҳаммад ака мени кийим-кечакдан ҳам кўра уй-рўзғор буюмларига қизиқишимни биларди. Совғасига қўшиб, албатта гулдонми, чинни идишми, уй учун менга ёққан бирор буюм олиб келар ва дидига бериладиган баҳони кутарди. Олган буюмини мақтасам, бир зумда кайфияти кўтарилиб кетарди. Таомни жуда ҳафсала билан тайёрлар, мазаси оғзингизда қоларди. Кейин ўзини ўзи мақтаб қўярди.

Муҳаммад ака овқатни ўзи сузиб, овқатланиб бўлгач, мен ва қизлари билан юракдан суҳбатлашиб ўтирардида, қаерда дам олишимизни сўрарди. Мен буни қизлар ихтиёрига топширдим. Биргалашиб Дўрмондаги чорбоғимизга борадиган бўлдик. Биламанки, байрам бизники бўлгани билан у кишининг ҳам кўнглига қарашимиз керак. Муҳаммад ака чорбоғимизни жуда яхши кўрарди. Ўчоғда овқат пишириш, ялангоёқ юриш, ерга қараш жони-дили эди.

— Машинани ўт олдиргунимча, тайёрланиб турингглар, деб пастга тушиб кетдилар. Биз кийиниб бўлиб, қарасам, эшикнинг олдида чиройли, бежирим қора туфли турибди (эшикнинг тагига атайлаб, сюрприз қилиб қўйганлар). Кўнглим кўтарилиб, уни кийиб олдим. Пастга тушдик-да, мен машинанинг орқа ўриндиғига ўтириб олдим (атайлаб). У киши кетаётиб, менинг оёғимга энгашиб қараб олдилар-да, менга билдирмай жилмайиб қўйдилар. Мен у кишига миннатдорчилик билдирдим. Улар бўлса:

— Ие, ўзимнинг бурчимни ондасонда бажаряпман-да, хоним, — деб ҳазил қилдилар.

Муҳаммад ака байрамларда албатта уйда бўлардилар. Узоқда бўлиб қолса ҳам етиб келарди. Ҳеч иложи бўлмай қолса (хизмат сафарида бўлганда) қўнғироқ қилиб, болаларига, менга ўша ердан совға олганини айтиб, қувонтирмоқчи бўлар, ярим тунда бўлса ҳам етиб келишга ҳаракат қиларди.

Муҳаммад ака умри давомида оиласи – мен ва қизларига байрамларда эътиборсиз бўлганини билмайман. Аммо мен учун совғаларининг энг аъзоси, қимматлиси бизга атаган шеърларидир.

Мана улардан мисралар:

Юракдан раҳматлар
айтмайин нечун,
Ортимдаги нурли изларим учун.
Шеърларимга берган
ҳайрат ҳисларим –
Ўғилга алишмас қизларим учун.
Меҳрибоним, ҳенга айтарим
шудир –
Борингга шукурлар,
борингга шукур!

Дилнома

Шоир Аъзам Ўктам рафиқаси Ҳулкар Ҳамроева билан.

Ҳулкар ҲАМРОЕВА:

— Аъзам Ўктам табиатан кенг феъл, хушчақчақ ва самимий инсон бўлсалар-да, нима учундир байрамларни унчалик хушламасдилар. Байрамларга алоҳида урғу бермасак ҳам эл қатори ниишонлардик. Биздаги руҳан ва қалбан яқинлик, бир-биримизни сўзсиз тушунганимиз боис ҳам бу нарса унчалик сезилмасди. Тўнғич фарзандимиз Тўмарис туғилгач, ҳаёт тарзимиз бироз ўзгарди. Зийрак қизалоқ яқинларимизни тинмай туғилган кунларга, байрамларга таклиф қилишни сўрар, "совға олайлик" деб бизни ҳам ҳоли-жонимизга қўймасди.

1994 йилдаги ушбу байрам бошқачароқ бўлганди. Одатда Аъзам ака тунда ижод қилардилар. Ва, албатта, янги шеърларини менга ўқиб берардилар. Эрталаб мен улардан нусха кўчирардим. Ушанда ҳам саҳар уйғониб, ёзув столидаги шеърга кўзим тушди. Ҳуснихатлари ниҳоятда чиройли, маржондек тизилган ҳарфлардан гўё нур ва меҳр тараларди. Шеърнинг сўнггида оддийгина "март" деб имзо чекилганди. Тўмарис ва Темурнинг табрикномалари ёнида турган ўша рангин сатрлар менинг ҳаётимдаги энг бебаҳо, энг унутилмас 8 март тухфаси бўлиб қолди. Оқ қоғоз назаримда ловуллаб турарди. Ҳозир ана шу дилномани эътиборингизга ҳавола этаяпман.

Ҳурдай хоним, хаёлида ҳам
Гуноҳ қилиб кўрмаган хоним,
Гоҳ ёвқур, гоҳ ҳақир кўрган дам
Ҳуркиб ҳолим сўрмаган хоним;
Аёзлардан увушган қўлни
Астагина ушлаган хоним;
Бевақт қариб-қартайган дилни
Фақат тушда хушлаган хоним;
Жинни-санғи шеърлар ўқисам,
Бош эгиб, жим тинглаган хоним;
Дилимдагин кўзим айтса ҳам,
Билатуриб "билмаган" хоним;
Ечилмайди бу сирли тугун,
Кўрқитмоқдан қўрқаман сизни.
Мен жудаям истарман, бир кун
Ўлсам, сиз ҳам ўлишингизни.

ҚУТЛОВ

Очиқ акциядорлик тижорат "Турон банк" жамоаси

Озод ва обод юртимиз
Аёллари,
меҳрибон оналаримиз,
гўзал опа-сингилларимизни
яқинлашиб келаётган
8 март – Халқаро хотин-қизлар
байрами билан самимий қутлайди.
Чеҳрангиздан табассум ва қувонч аримасин,
ҳаётингиз бахту саодатга тўлсин.

"Турон банк" — Сиз билан, Сиз учун!

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг Фарғона бўлими жамоаси

Мустақил юртимизнинг барча хотин-қизларини яқинлашиб келаётган бахту иқбол айёми – 8 март билан қизғин табриклайди. Мунаввар чеҳралар толеи баланд бўлсин. Оилаларимиз тотувлик ва файзу барокатдан, ширин-ширин болажонларимизнинг шодон кулгисидан чароғонлик топаверсин.

Миллий банкнинг Фарғона бўлими 2008 йилда аҳолига қуйидаги истеъмол кредитларини ажратишни йўлга қўйган:

– Олий ўқув юртларида таълим олиш учун имтиёзли таълим кредитлари;
– Молиявий лизинг;
– Корхона ва ташкилотлар ишчиларига сўм микропроцессор пластик карточкалар орқали «Овердрафт» кредитлари;
– Ёш оилаларга истеъмол ва имтиёзли кредитлар.

Қулай ва кафолатли, юксак сифатли хизмат турларидан фойдаланинг!

Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги

"ОҚТОШДОН"

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

Юртимиз хотин-қизларини яқинлашиб келаётган қувончли сана 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан самимий қутлайди.

Оилаларимиз ободлиги,
қалбимиз шодлиги,
зурриёдларимиз бахту камоли
Сиз туфайлидир, азиз аёллар!
Сизларга бахти бекамлик,
туганмас шодлик ва икки олам
саодати ёр бўлишини
тилаб қоламиз.
Юртимиз осмони ҳамиша
мусаффо бўлсин, хонадонларимиз
файзу баракага тўлсин.

ШУКУҲ

ФАОЛИЯТ

Муқаддас бурч

Бугун юртимиз 8 март байрами арафасида турган бир пайтда Фарғона вилоятининг энг йирик тиббий хизмат ошёнларидан бири – Қува туғуруқ уйи ҳақида сўз юритиш ўринли деб ҳисоблайман. Зеро, худди шу масканда келажак эгалари дунёга келади, не-не ширин орзулар кўз ёради. Аёлларнинг бахту иқболи, чақалоқ товушидан масрур оталарнинг умид битиклари шу ерда муҳрланади.

Туғуруқ уйи 245 ўринга мўлжалланган. 460 нафар шифокор, тиббий ҳамшира ҳамда техник ходимлардан иборат жамоа туғиш ёшидаги оналар учун куну тун малакали хизмат кўрсатади. Аёлларни турли гинекологик хасталиклардан даволовчи, ҳомиладор аёлларни туғуруққа ҳозирловчи патология, туғуруқ жараёни тугагунча хизмат кўрсатувчи, оғир беморларни интенсив даволовчи реанимация ва чақалоқлар парвариш қилувчи бўлимларимиз мавжуд. Уларнинг барчаси энг замонавий тиббий-технологик асбоб-ускуналар билан таъминланган.

Айни пайтда "Саломатлик-2" лойиҳасига асосан туғуруқ мажмуасига қўшимча тиббий-техник жиҳозлар келтирилиши кутилмоқда.

Бугунги мўътабар айёмда туман аҳолисининг ҳурмат-эътиборига мушарраф бўлган оналар ва болалар саломатлиги учун астойдил курашаётган шифокорларимиз номини тилга олгимиз келади. Улар сафида Гулсара Абдураҳмонова, Гулчеҳра Камолиддинова, Гулнора Бекирова, Зулфия Валиева, Раъно Саидхонова, Муяссархон Ҳамдамова, Умида Саидова сингари юқори малакали гинеколог шифокорларимиз борлигидан фахрланамиз.

Биз, келажак авлод саодати учун беқиёс ғамхўрлик кўрсатаётган Юртбошимиздан, лозим бўлган жамики қулайликларни муҳайё қилиб бераётган ҳукуматимиздан беҳад миннатдормиз. Биз – тиббиёт ходимлари ҳар қанча хизмат кўрсатсак шунча озлигини, зиммамизда турган муқаддас бурч масъулиятини чуқур ҳис этиб яшаймиз.

Маърифат ТУРСУНОВА,
Фарғона вилояти Қува тумани туғуруқ уйи бош шифокори.

Фарғона вилоят Қува тумани марказий шифохонаси маъмурияти ва касаба уюшмаси 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни билан барча аёллар ва қизларимизни, касбдош дўстларимизни қизғин табриклайди.

Доимо бор бўлинг. Чеҳрангиздан хушнудлик аримасин, қалбингиз баҳор чечакларидек ҳамиша яшнаб турсин. Эл саломатлигини муҳофаза қилиш ва дардманд инсонлар қалбига қувонч улашишда барчангизга куч-ғайрат ва омад ёр бўлсин.

Самарқанд вилояти Оқдарё тумани

АМИР ТЕМУР-ОҚДАРЁ

фермер хўжалиги

жамоаси жаннатмонанд юртимиз аёлларини 8 март – Халқаро хотин-қизлар куни билан самимий қутлайди.



Умримизнинг безаги, қалбимиз шодлиги, кўзимиз нури бўлган аёлларимизга, мунис опа-сингилларимиз, шодон қизларимизга бахту иқбол ёр бўлишини тилаймиз.

Уйғониш ва яшариш фасли бўлиши баҳор хонадонларимизга қут-барака, файзу шукуҳ келтирсин.

Айёмингиз муборак бўлсин, дилбар хотин-қизлар!

РАССОМ ХАНДАСИ

Байрам куни



Байрамдан сўнг...

Абдурасул Ҳакимов чизган сурат.

Жа

Ҳикоя

Тўшакда ётиб қолган одамнинг кунлари сира ўтмайди, узун бўлади. Тунлари ундан-да узун бўлади. Ойша хола офтобрўяда ётиб, энди кўзи илинган экан. Кўча томондан келаётган шовқин-сурондан чўчиб уйғонди. Бир нафас бутун вужудини қулоққа айлантириб, дарвоза томон тикилди. Сўкинаётган эркак, қарғаб йиғлаётган аёл овози баравар эшитилар, ундан бирон нарсани англаб олиш қийин эди:

— Яна Робия шўр таёқ еяётган бўлса керак-да, — ўзича тахмин қилди.

Шовқин-сурон бир одим пасайгач, боласини кўтариб келини кириб келди.

— Вой момо-ей, эшитдингизми, кўчада қиёмат-қойим бўлди.

— Ҳа, нима гап? — Ойша хола ўрнидан туриб ўтирди, — ким жанжал қилаяпти?

— Робия холанинг укаси уйдан магнитофонини ўғирлаб чиқаётган экан, Робия хола ҳам ишдан қайтиб келиб, ўғирликнинг устидан чиқиб қолибди. Магнитофонни жойига қўй деса, йўлдан қоч деб итариб юборибди. Бечора йиқилиб қолган жойидан туриб, магнитофонга ёпишибди. Укаси кўзи қонга тўлиб, урибтепиб ётибди, магнитофонни қўйиб юбормайди. Бечоранинг соғ жойи қолмади. Охири қўлидан тортиб олиб кетди.

— Бечора!... Ҳеч ким Робияга ёрдам бермадими?

— Ким ҳам аралашарди? Анави уканинг кўзи қизариб, опани билмай ётибди-ку. Аралашган одамни аярмиди?

— Эсиз!..

Робия унинг қиз дугонаси. Ўзи яхши қиз эди, қадди-басти келишган. Аммо бечоранинг бахти чопмади. Икки фарзандли бўлганда эри ошқозон саратонидан вафот этди. Ўзиям бошқача йигит эди. Фарзанд доғида куйган қайнона-қайнотаси унинг уйидан чиқолмай қолди. Йиғлаб-йиғлаб, яна ўзлари-ўзларига тасалли беришарди:

— Эй, ношукур банда! Бир ўғлингни олган бўлса, мана сенга икки ўғил ташлаб кетди-ку!

Робия шу чолу кампирдан «фойда»га қолган икки ўғилни олиб, бошқа эрнинг этагидан тутиб кетолмади. Бола боқди, қўлидан келганча қайнона-қайнотасининг, қайин-бўйинларининг хизматини қилди.

Бу орада онаси ўлиб, отаси бошқа рўзғор қилди. Бир нашаванд укаси бор эди. Янги бека шарт қўйди: ё шу нашаванд ўғлингизни ҳайдайсиз ё мен кетаман!

Хотини ўлиб, уч-тўрт йил ёлғизликнинг азобини тортган ота ўғилни ҳайдади.

Ўғил ҳеч иккиланмай Робиянинг уйига келди. Онасини эслади. Отасидан арз-дод қилди. Йиғлади:

— Менгаям шундай юриш ёқмайди. Ишсизман. Хотин кетиб қолган. Ўғлимни соғинаман. Уйда ўтирсам, отам эзади. Сўнг мажбур кўчага чиқиб кетаман. Бир даволатиб, иш топиб, хотиним билан яраштириб қўядиган одам бўлса, шу занғарни бутунлай ташлаб кетардим. Худо урсин, опа, ташлайман.

Робия табиатан кўнгилчан шўрлик. Йўқ, дейин деса, укаси. Қаёққаям борсин, акаларникига борса, янгалар аждаҳодан баттар. Опаларникига борса, поччалар бор.

— Майли, ука, сен оиламиздаги энг аълочи, энг тиришқоқ бола эдинг, агар ўзинг истасанг, ўзинг ҳаракат қилсанг, шу оғу ўлгурни ташлаб кетасан. Мен сенга ёрдам бераман.

Шу кеча раҳматлик онаси тушига кирди. Бошига қоп-қора гулдор рўмол ёпди. Кўнгли ғаш бўлди, бошимдаги шунча қора кунлар каммиди, деб сиқилди. Аммо таъбирлар китобини кўрса, қора либос обрў экан.

Укасини махсус шифохонага жойлади. Ўзича хурсанд. Кунора дугонасининг олдига ўтиб, қувончини бўлишади:

— Дугона, мен тамом бўлган бир инсонни ҳаётга қайтараяпман...

Ойша, гарчи оиласида банги бўлмаса ҳам бангилар ҳақида кўп эшитган. Ўзича ҳовлиқиб юрган дугонасига қараб, ачиниб кетарди:

— Унинг одам бўлмайди. Буни қора ажал дейдилар, унинг сиртмоғидан омон чиққан одамни эшитмаганман.

— Ундай дема, — хафа бўлиб кетарди Робия. — Ҳали кўрасан.

Кўришди.

Опа шўрлик укамни даволатдим, энди бир иш топсам, келинни келтириб берсам, деб елиб-югуриб юрган кунлар бир тўйга бормоқчи бўлиб, тахмоннинг тагидан ўзи қўйган тугунчани ахтарса, йўқ! Бир умр ўзимга, келинларимга деб йиққан тилло тақинчоқлари эди. Шифонернинг қишки кийимлар турадиган бўлмасини ҳам қиш келгунча ҳеч очмасди, қараса, пальтоси, телпаги, иссиқ жемпери ҳам йўқ. Меҳмонхонасининг бир четида болаларига атаб қўйган бир қути катта-кичик лаганлар турарди. Қути ҳам бўм-бўш.

Робия "дод" деб юборди:

— Мен сени даволатдим, яхши бўлиб келди, деб юрсам, сен нималар қилиб қўйдинг? Мен бир умр йиғиб терган дунёмни икки ойда совуриб йўқ қилдингми, инсофсиз?! Чиқ, йўқол уйимдан!

Ойшанинг ёнига келиб кўз ёш тўкди:

— Дугона, мен бу нарсаларни бир сўмлаб пул йиғиб, битталаб олган эдим. Биласан-а? Нима олсам, сен билан бирга танлаб олганман. Бу нонкўр икки ойда йўқ қилибди.

— Ўзини йўқ қил. У уканг бўлса ҳам, тамом бўлган одам. Одам эмас, офат. Ана, отанг қарасин, опалар қарасин. Бева бошинг билан сенга нима? Аммо у "йўқ" бўлмасди. Робиянинг эшигида йиғлаб ўтираверди.

Робия бир оқшом оиласидагиларни маслаҳатга чақирди.

— Ҳайдаб юбор!.. — маслаҳат берди ота.

— Милисага топшириб қутил, қамоқда ўлиб кетсин, — дейишди бир овоздан акалар.

— Ҳовлингнинг бир четида турса турибди-да. Бир коса ёвғонни итга ҳам берасан, бу уканг-ку, — таъна қилди катта опа.

— Бу бечора касал-да. Ўзи-ку ташлайман дейди, ташлаёлмайди. У куни пул сўраб борган экан, шундай йиғлади бечора, "Қани, қўлимдан келса, ташлаб кета олсам", дейди, "Опамга ҳам кўп зиён-заҳмат етказдим, хумори тутганда, бутун жони жаҳоним қақшаб оғрийди. Қандай қилиб ўғирликка қўл урганимни билмай қоламан", дейди. Даволатаман, деб ётқизган касалхоналарингда ҳам хизматчилар қора дори етказиб бериб турар экан. Олдида биров таклиф қилиб турган-да, бу бечора қандай қилиб ташласин. Менинг эрим ёмон, бўлмаса, ўзим қарар эдим савоб учун, — иккинчи опанинг берган маслаҳати шу бўлди.

Шундан буён банги ука Робияникида. Робия ҳовлининг бир четидаги майдачуйда сақланаётган уйни унга берди.

Энди ҳовлида турган нарсалар биринкетин йўқолиб битди: қозон, ўчоқ, нарвон...

Робия йўқотишдан ҳам, даволатишдан ҳам тинмади. Нималаргадир эришди ҳам. Ука орада тўрт йил чекмади, намоз ўқиб, ишлаб, маошларини опасига бериб юрибди.

Робия собиқ келининикига кўп борди, у келмади. Охири ёши ўтиброқ қолган бир қизга уйлантириб қўйди. Қизнинг бир оёғи оқсоқ экан. Нима бўлса ҳам эрининг усти-бошини ювиб, қозонини қайнатиб ўтирадиган бўлди.

Аммо нима жин урди-ю, опанинг кўнгли тинчиган жойда, ука яна эски ҳунарини бошлаб юборибди. Хотинини уриб-сўкиб ҳайдади, бир бечоранинг не бир орзу ниятлар билан қилган сепларини сотиб, дори олди.

— Бирга чекиб юрган ошналари кўролмасликдан қилган. Бу ташлади, уйланди, ишли бўлди, биз ҳалиям овора бўлиб юрибмиз, дейишган-да. Укам айтади, ўзлари бир тийинга зор, ҳар куни менга бепул олиб келишади. Йўқ десам ҳам қўйишмайди, дейди. Ўргатгандан кейин ҳаммаси йўқ бўлибди.

Ойшанинг унга раҳми келиб кетди:

— Эсиз шунча харажатларинг. Шу ноинсоф ўлсайди, қутулардинг.

Робия надомат билан бош чайқади:

— У эмас, наркотик сотувчилар ўлсайди. Биз билмаймиз, шаҳарда қанча хонадонларда очиқдан очиқ сотишар экан. Бир аёл бор дейди, семиз, ҳамма томони тилло, сақич чайнаб ўтирар экан. Борса, ишдан қайтган ўғлини қарши олгандай "Ҳа, келдингми, болам, кел" деб кутиб оларкан. Бир сўм кам бўлса ҳам "Йўқ, бу кам, яна топиб кел" деб қайтариб юбораркан. Эҳ, дугона, аёл кишиям шундай ифлос бўладими? Шу болаларнинг ўрнига ўз фарзандларини қўйиб кўрмасмикин?!

— Вой, виждонсиз-эй!

— Укам қандай бола эди, эслайсанми? Ҳаммадан кўп беш оларди. Математикадан унинг олдига тушадиган бола йўқ эди. Отам мактаб учун берган тангаларини йиғиб, онамга рўмол совға қилган эди. Ҳаммамиз қойил қолган эдик, ўша пулни олти ой йиққан экан... — у кўзига ёш олди.

— Биламан, дугона, ҳаммасини биламан. Лекин менинг кўпроқ сенга раҳмим келади. Бу дунёга келиб, болаларингу, банги укангнинг ташвишидан бошқа нарса кўрмадинг. Болалар-ку ўзингники, боқсанг, бир кун ҳузурини кўрасан. Аммо уканг... Шунча меҳнатинг, заҳматингга яраша яхши бўлса экан.

— Қандай ҳам яхши бўлсин?! Мен сенга айтсам, янги кўчиб келган қўшнинг ҳам шу савдо билан шуғулланар экан.

— Йўғ-е, — Ойшанинг кўзлари катта бўлиб, ўрнидан туриб ўтирди. — Сенга ким айтди буни?

— Ҳамма айтаяпти. Ҳар доимгидай ҳаммадан охири мен эшитдим. Бечора Зилол опа шу ҳовлида яйраб юрарди. Бу келиб қайтадан қурди. Ҳовли тўйига чақирганда бу қурилишни кўриб ҳамма ёқа ушлади. Менга ўхшаганларнинг кўз ёшлари эвазига қутуриб, тайёр уй-жойни бузиб, қайтадан қуриб ётибди.

— Аниқми шу?

— Албатта аниқда, одамлар бир нарсани билмасдан гапирмайди. Ҳеч қаерда ишламаса, қўш-қўш машина, шоҳнинг саройидек уй-жой. Туришларидаги кибр-ҳавони кўрсанг...

— Йўғ-е?

— Ҳа. Шуни эшитгандан буён оромим йўқ. Ётсам-турсам шу ярамасни фош қилиш йўлини ўйлайман. Нима дейсан, Ойша, прокуратурага ёзиб берайми?

— Ойшанинг юраги ғамга тўлиб кетди. Биларди, бу балои офатни ўзи яшаб турган шаҳарнинг қайсидир бурчакларида сотишларини, кўринишидан одамга ўхшаган, аммо ўзи ваҳший ҳайвондан ҳам баттар кимлардир шу савдонинг орқасидан кун кечиришини... лекин, шундайгина ўзи яшаб турган ҳовли деворининг ортида кимдир ана шу кир иш билан шуғулланишини тасаввур қилиб кўрмаган эди. Э-э, Худо, наҳот энди шу ипирискі, виждонсиз билан бир ҳаводан нафас олса, ўғли, неваралари шу одам билан бир кўчада юрса?!

МАЪНАВИЯТ

МОЗИЙ

Қадим Миздакхон – бугунги Хўжайли

Хўжайли тарихда Миздакхон деган ном билан аталган. Эски шаҳар қолдиқлари ҳозирги Хўжайлининг ғарбий ёнбошидаги учта тепалик ва улар орасидаги майдонда жойлашган. Маҳаллий аҳоли бу уч тепаликни Гяурнинг қалъаси, Антакия қалъаси, Мазлумхон сулув қалъаси деб атайди. Кейинчалик уларнинг бир қисми қабристонга айланган.

Археологик қазишмалар натижасида топилган чақмоқтошдан ишланган қурол-буюмлар шундан гувоҳлик берадики, Хўжайли ҳудудида неолит даври, яъни бизнинг эрамизгача бўлган IV-III мингинчи йиллардаёқ одамлар яшай бошлаган. Миздакхон Хоразмда ўзининг катталиги жиҳатидан Қиёт ва Гурганж шаҳарларидан кейинги учинчи шаҳар бўлган.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳозирги Хўжайли билан Кўҳна Урганч шаҳарлари орасидаги масофа тахминан 30 километрни ташкил қилади. Тарихий манбаларда ёзилишича, бу ҳудудларда аҳоли жуда зич яшаган. Миздакхон ҳақида ўрта асрларда яшаган олимлар бин Рус ва ал-Истаҳрий ҳам қимматли маълумотларни ёзиб қолдирганлар. Бу ҳудуд VIII асрда араблар томонидан босиб олинган ва яна қайта тикланган. 1221 йилда эса Чингизхон лашкарлари Миздакхонни вайронага айлантирган.

Миздакхон-Хўжайли хусусида сўз юритар эканмиз, Мазлумхон сулув мақбараси ҳақида тўхталмоқ жоиз. Маълумотларга қараганда, мақбара XIII асрларда қурилган. Унда турмушга чиқмай оламдан ўтган қизнинг жасади дафн этилган. Қабрга қўйилган тошларда форс тилида фалсафий шеърлар битилган, муаллифи кимлиги номаълум. Маҳаллий аҳоли Мазлумхон сулув мақбарасини «Қизнинг уйи» деб ҳам аташади. «Қизнинг уйи» — Мазлумхон сулув мақбараси ер тагидадир, ер устида эса саккиз қиррали юлдузлар акс этган нақшинкор гумбазлар сақланган. Бундай ер ости мақбараси ноёб обида ҳисобланади. Шу боис республикамизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг аксарияти Мазлумхон сулув мақбарасини зиёрат қилишга қизиқиши бежиз эмас. Дарвоқе, бир вақтлар Ҳиндистоннинг бош вазири, атоқли давлат арбоби Индира Ганди хоним ҳам Мазлумхон сулув мақбарасини бориб кўрган экан... Хўш, Миздакхон-Хўжайлининг ёши нечада? Археолог-тарихчи олимлар 2400 йил деган фикрни илгари сурмоқдалар. Аммо ҳали бу ҳақда қатъий илмий хулосага келинмаган.

> *Бундай ер ости мақбараси ноёб обида ҳисобланади. Шу боис республикамизга ташриф буюрган хорижлик меҳмонларнинг аксарияти Мазлумхон сулув мақбарасини зиёрат қилишга қизиқиши бежиз эмас. Дарвоқе, бир вақтлар Ҳиндистоннинг бош вазири, атоқли давлат арбоби Индира Ганди хоним ҳам Мазлумхон сулув мақбарасини бориб кўрган экан...*

Буюк аждодлар меросидан ғурурланиб, ифтихор қилиб юришга ҳақлимиз, албатта. Аммо ўтмишга маҳлиё бўлиш билан бирга унга муносиб ҳам бўлишимиз керак, яъни ўтмиш бойлигимизни, қадриятларимизни аввалаб сақлаш билан бирга уларнинг ёнига янги моддий-маънавий бойликлар қўшиб боришимиз лозим.

Элликқалъа, Чимбой каби туманларда тарихий-ўлкашунослик музейлари фаолият юритяпти. Беруний тумани марказида «Беруний қабри — тарихий комплекси» музейи бунёд қилинганлиги, улуғ олимнинг хоки ўзи туғилган она масканга олиб келиниб, унинг янги қабри қад ростлаганлиги савоб ишлардан бири бўлди. Демак, шундан кўринадики, юртимизнинг ҳар бир гўшаси қадимий ва ноёб тарихий аҳамиятга эгадир.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
«Хуррият» мухбири.

ТААССУРОТ

Буюк қалбнинг ўтли нидоси

Устоз Абдулла Қаҳҳор Лев Толстой ҳақида гапириб, бу ёзувчининг асарлари қазига ўхшайди, чайнаган саринг мазаси чиқаверади, деган эди. Бу ташбеҳни мутафаккир Алишер Навоий асарларига нисбатан ҳам бемалол қўллаш мумкин. Бунга камина қайта-қайта иқрор бўлдим.

Тунлари уйқум қочса, бирор нарсадан озор чексам ёки бадбин ўйлар тинчлик бермаса, жавондан Навоий бобонинг йигирма жилдлик куллиётини оламан. Уларни худди дастурхонга нон тергандек столга ёйиб қўяман. Астасекин, шошилмай варақлайман. Кўз ўнгимда ғаройиб бир манзара жилваланади. Қулоғимга ўн бешинчи асрда "Ҳақ" деб ўтган Буюк бир қалбнинг ўтли нидоси эшитилгандек бўлади. Ана у, патқалам тутган қўлини иягига тираганча бизга маъюс кўзларини тикиб пичирлайди:

Меҳр кўп кўргуздим, аммо
меҳрибоне топмадим...

Ҳа, унинг илоҳий бир поклигини кўролмайдиган ғаддорлар, сарой фитналари, ота билан боланинг ўзаро пичоқ эмас, қилич қайрашлари, Навоийнинг назми аъло, вале нечук ул зот дини ислом таърифинда бир рисола битмайдур, дея қилинган маломатлар, бевақт узилган муҳаббат чечаклари, шоирона нафас соҳиблари бўлмиш тағойиларининг аччиқ қисмати ва ниҳоят, боғдай ишониб, тоғдай суянган биродарларининг хиёнати — буларнинг бари, узлуксиз, ярим асрлик заҳматга қўшилиб шоирнинг қаддини дол этган, янги чиққан ҳилолдек эгиб қўйган. Ана шунинг учун ҳам алломаи даврон бу фоний дунёга қўл силтаб дейди:

Парим бўлса, учиб қочсам
улусдан то қанотим бор,
Қанотим қуйса учмоқдин,
югурсам то ҳаётим бор.

Қаранг, бу бевафо дунё, тўғрироғи, ёмон одамлар касридан шоир қанот чиқариб, қочиб кетмоқчи, магар қаноти қуйса, бир умр пиёда югуриб хиёнаткор каслардан узоқлашмоқчи.



Машҳур мусаввир Камолиддин Беҳзод чизган сурат. XV аср. Ҳирот.

... Куллиётни бир-бир варақлайман. Юрак ҳаприқади, кўнгил сайрайди, ҳайратдан тафаккур тошдай қотади, бутун вужудинг доҳиёна фикратдан шамдай эриб, мумдай балқийди. Кўзларингда ёш қалқийди. Ахир мана бу сатрларни жон ҳовучламасдан, хотиржам ўқиб бўладими?

Бошим ғам тошидин ёра,
таним ҳажр ўқидин пора,
Кўнгул бу ёраға чора
топарға топмайин имкон.
Кўзим намлиқ, бўйим хамлик,
ичим андуху мотамлик,
Не ҳамдамлик, не марҳамлик
топиб бу меҳнати имкон.

Қаранг, Алишер Навоийдек валломат бир зотки, даврондан шу қадар шиква-шикоят қилган экан, у ҳолда тўққиз фалак фарёд солиб, арзу самони ларзага келтириб, вола қилса не тонг! Лов-лов ёниб турган мазкур дилўртар сатрлар пири комил Абдураҳмон Жомийнинг Навоий шаънига айтилган мухтасар дуосини ёдингизга солади: "Бу қаламга фалакдин офаринлар ёғилсин!"

Куллиётни варақлаб, ундан назмий жавоҳирлар тераман. Уларда атиргулнинг ифор иси, момоқалдироқ гулдуроси, шабнам нафислиги, чақмоқ ёрқинлигию бойчечак жилмайиши, донишманд бир қариянинг ҳикматлари, жонўртар ишқ ёлқини, оҳукўз малакларнинг сирли карашмаси, ошиқ йигитнинг мажнунсифат изтиробларини туйгандек бўламан. Юрак қаъридан чиққан мана бу сатрларга эътибор қилинг:

Кўнглаким чокин тикарга
майл қилдинг, эй рафиқ,
Билмадинг гўёки кўнглак
ичра кўксим чоки бор;

Ёки:

Фурқатингда йиғлабон
ҳақдин висолинг истарам,
Гаҳ сочармен бошга туфроғ,
гаҳ қўярмен ерга бош;

Ёхуд:

Мени мен истаган
ўз суҳбатиға аржуманд
этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас;

Ва ё:

Эй Навоий, ишқ ўтин
ҳар ким ёрутмоқ истаса,
Ер юзинда топмағай
тутруғ учун хас мен киби.

Яъни, кимда-ким ишқ оловини ёқмоқчи бўлса, тутантириққа менга ўхшаш бирор хасни ҳам тополмас, деб шоир ўзининг ҳокисор, афтодаҳол эканлигига ишора қилмоқда. Яна бир ғазалида шоир, агар мен ишқ эҳтиросларини ёзмоқчи бўлсам, сўзимдан қалам куяди, сиёҳ қуриб, давот эриб кетади, дея беназир ташбеҳ ишлатади.

Навоий куллиёти бамисоли уммон. Унга қанча шўнғисангиз, ҳовуч-ҳовуч дуру гавҳар териб чиқаверасиз. Қўлимга бир жилдни олиб таваккал қилиб очдим. Зарварақ ичра Навоий бобонинг меҳрибон сиймосини кўргандай бўлдим. Ҳазрат оҳиста, бирмунча ўксик товушда гўё арзи ҳол айтар эдилар:

Гаҳи топдим фалакдин
нотавонлиқ,
Гаҳи кўрдим замондин
комронлиқ.
Басе иссиқ-совуқ кўрдим
замонда,
Басе аччиқ-чучук тотдим
жаҳонда...

Саъдулла СИЁЕВ

— Самарқандда биров-ярим кўчар бўлса, ҳовли-жойини кимга сотишни маҳалла-кўй ҳал қилар экан. Қўни-қўшни маҳалламизга ҳар хил одам аралашиб қолмасин деб шундай қилади. Бизда-чи? Ҳеч ким билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Ким кўчаяпти, ҳовлисини кимга сотаяпти? Кўчиб кетаётган кишига нима? У бу ерда яшамаса нима, ким кўпроқ пул берса, шунга сотиб кетаверади-да. Балога изидагилар қолади.

Робия яна саволни такрорлади:

— Ёзайми, дугона?

Ойша ўйланиб қолди. Ёлғиз ўғил ўстирган аёл эмасми, бир умр юрак ҳовучлаб ўтган. Энди аввалгидай ўғлининг изидан югуриб юролмайди, қўлидан бир юмуш келса келмаса, кўнглини минг хил хавотир кемириб, Аллоҳга нола қилиб ётаверади.

— Дугона, ёзиш қийин эмас. Аммо бу хил нокаслар ишига пухта бўлишади.

Жамила ЭРГАШЕВА

30

Ҳамма томонни пул билан боғлаб қўяди. Ёзсангу, уйидан ҳеч нарса чиқмаса, сенга ўчакишиб қолса-чи?

— Э-э, мени нима қила оларди? Оддий ўқтиувчи бўлсам, қўлимдан синф журналини тортиб оладими?

— Ўғилларинг-чи? Ўғилларингни йўлдан урса-чи? Авраганга кўнмаса, уч кун қоронғу уйга қамаб, томирига юқори дозада дори юборяпкан. Ана сенга тайёр наркоман. Кимга додингни айтишни билмай қоласан.

Робиянинг ранги ўчиб кетди:

— Худо сақласин. Бу дунёда неки савоб иш қилган бўлсам, шу болаларимга деб қилдим. Аммо лекин бу одам билан бир кўчада яшай олмайман. У кўчмаса, ўзим кўчиб кетаман. Укамни қара, шундай очофатларнинг қурбони-ку. У касал, лекин унга ҳеч кимнинг раҳми келмайди, аксинча ундан нафратланади, ҳазар қилади.

— Худо бир нарса деб қўйгандир, дугона, — уни юпатган киши бўлди Ойша.

— Бундайларга ҳам Аллоҳнинг боққан балоси бордир. Шошмай тур-чи!

Робия жавраниб-жавраниб, гувраниб-гувраниб кетди. Ўзи билан бечора Ойшанинг оромини ҳам олиб кетди.

Ойша кун бўйи ўзи бир марта ҳам кўрмаган янги қўшнини шу ердан кўчириб юбориш режасини тузди. Ҳар сафар ўзи тузиб, яна ўзи бузди. Сабаби аён, ҳаромдан келган бўлса-да, дунёси дунёларга сиғмай ётган одам тўшакда ётган бир ногирон аёлнинг режаси билан, янги сотиб олиб, йиллаб қайта қурган уйини ташлаб кетармиди?

Кечқурун ўғлига ҳасрат қилди:

— Одилжон, янги келган қўшнилар қорадори савдоси билан шуғулланар эмиш.

Чамаси қўшнилар ўртасидаги ғиввирлардан Одилбекнинг ҳам хабари бор шекилли, индамай қўя қолди:

— Қўйсангиз-чи, она, қаердаги ёлғон ваҳима гапларни топиб юрасиз?

— Ёлғон эмас, болам, ҳамма шундай деётган эмиш.

— Э-э, айтаверишади-да, она. У киши бўлажак ҳожи, — мийиғида кулди Одилбек. — Унинг исми-шарифини Ҳажга кетгувчилар рўйхатида кўрдим.

Ойша ўғлининг юзидаги ижирғаннамо ифодани кўздан қочирмади. «Ҳа, ўғлимнинг ҳамма нарсадан хабари бор, фақат онасининг ваҳимачилигини билгани учун унинг кўнглидан нималар ўтганини англаб турганини, энди ёлғонлаш шарт эмаслигини тушуниб етди:

— Э-э, онажон, оқ қўйни ҳам, қора қўйни ҳам ўз оёғидан осадилар. Ҳар ким охир-оқибат ўз қилмишлари учун бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жавоб беради. Биздан ҳам катта хатолик ўтган, девор дармиён ҳовли кимга сотилаётгани билан қизиқмаганмиз, ҳовлини олаётган одамни ўрганмаганмиз.

— Майли, шундай ҳам дейлик, аммо кўриб-билиб туриб шундай кимсанинг Ҳажга боришига йўл қўйиб, томошабин бўлиб туравердиларми?

— Онажон, ўзингиз ўқимишли, ақлли аёлсиз. Олдиндан бир нарса деб бўлмайди. Шошмай туринг-чи. Яна бундай гапларни ҳар жойда гапириб юрманг. Улар жуда хавфли одамлар...

Шу кеча Ойша ухламади, ухлаёлмади. Ўкириб юбормаслик учун лабларини қаттиқ тишлаб, кўзларини шипга қадаганча ётаверди. Кўзларига тўлган ёшлар юзининг икки чеккасидан оқиб кетаверди, кетаверди.

Ҳаж!.. Бу зиёратни у бир умр орзу қилди. Бировларга айтишдан-да уялиб орзулаган пайтлари бўлди. Байтуллоҳдай муборак жойни зиёрат қилишга ҳаққим бормикин деб андиша қилган пайтлари кўп бўлди. Илгари «Бибиларнинг оши» деб сумалакни ҳам ҳар ким пиширишга журъат қилавермасди. Уларнинг кўчасида фақат унинг онаси йилига уч марталаб сумалак пиширарди. Бирам ширин бўларди бу сумалак. Эрта саҳар пайти сумалак бўлинаётганда ҳовлилари коса-товоқ кўтарган одамларга тўлиб кетарди. Қозон қанчалик катта бўлмасин, ҳеч кимга товоқчадан зиёд сумалак тегмасди. Кимдир бемор қариндошига, кимдир талаба фарзандига қўшимча улуш олмаса, онаси ҳамманинг оиласига тенг бўларди. Бир йили қўшни хола ўзига теккан улушга қаноат қилмаганми, ўзи буғдой ўстириб, сумалак пиширган. Сумалакни тонг отгунча қайнатиб, ковлашибди, аммо сумалак кўм-кўк, тарҳўш бўлиб туравериби. Кединининг айтишича, қўшни хола кун ёришмасдан, ҳамма сумалакни челакларга сузиб олиб, анҳор сувига оқизиб юборибди. Ҳаж зиёрати ҳақида ўйлаётиб, баъзан Ойшанинг ёдига қўшни хола пиширган сумалак воқеаси тушадию, юраги «зирқ» этади: «Байтуллоҳга боришга ҳаққим бормикин-а?»



Мусаввир: Жаҳонгир Мирзо

Нима бўлганда ҳам Ойша эл Ҳажга жўнаётганда бир ёнади, эл Ҳаждан қайтаётганда бир ёнади. Бармоқ букиб, олдида турган вазифаларни бир-бир санайди: энг аввал ўн йил олдин қуриб бошлаган иморатини битказиши керак, ахир келинни кўпқаватли уйга туширимайди-ку, кейин ўғлини дипломли қилиши керак, кейин уйлантириб, уйини ҳам, ўғлини ҳам эгалик қилса, бўлди! Кейин топгани ўзиники, жамғариб Ҳажга бориб келади. Буёғи ўғлиям қараб турмас...

Бахтга қарши ўғли ўқишга кирган йили қаттиқ оғриб қолди, касали йилдан-йилга зўрайиб, келин туширар йили ётиб қолди. Дори-дармоннинг кучи билан зўрға келди-кеттини кузатди. Юрар йўллари кундан кунга қисқариб борарди. Олдин оёқлари оғриса ҳам ишга бориб келарди. Кейин кунига бир марта ҳовлини бир айланадиган бўлди. Энди... Бод чалган бу оёқлар билан Байтуллоҳга бориб бўлармиди?

Ўтган йили аммаси Ҳажга бориб келди. Унга ҳам бир тасбеҳ, бир неча хўплам оби зам-зам келтирибди.

Ойша оби зам-зам сувини хўплар экан, йиғлаб юборди:

— Амма, нима ёзиғим бор экан, менга Ҳаж зиёрати насиб этмади?

Амманинг юраги эзилиб кетди. Ёшгина жияни бемор, бемадор, бировнинг ёрдамига муҳтож бўлиб ётганидан сиқилиб кетди. Ҳажга ё борар, ё бормас, лекин ер босиб, соғ-саломат юрганида катта давлат эди.

— Ношукур бўлма, жоним. Худо суйган бандасига дард бераркан. Ҳажга бормасанг ҳам, бева бошинг билан фарзанд боқдинг, ўқитдинг, уйлантирдинг. Бошига шундай иморат солиб бердинг. Ишхонангда, маҳаллада доим сени алқаб гапиришади. Доим одамларга яхшилик қилдинг. Бир мискиннинг кўнглини олиш ҳам Ҳаж зиёратидай гап экан. Сенинг қилганларинг неча зиёратга тенг эканлигини Аллоҳнинг ўзи билади. Худо хоҳласа, ҳали ҳеч нарса кўрмагандай тузалиб кетасан. Ҳажгаям борасан, Аллоҳ қудратининг олдида сенинг дардинг нима гап?

Орадан уч-тўрт кун ўтиб, қўшни томондаги девор ортидан ғала-ғовур, қаттиқ кулгилар эшитила бошлади. Қозонни ҳам девор ортига осганми, ҳаводан ширин таомларнинг хушбўй ҳидлари келиб турарди.

Ҳар доимгидай келини кўчадан гап топиб келди:

— Момо, янги қўшни Ҳажга кетаётган эмиш. Ҳаммани чақириб, ош бериб дуо олаётган эмиш.

Ойша индамай девор томонга ўгирилиб ётиб олди.

Девор ортидаги ғала-ғовур уч кун давом этди.

Тўртинчи кун яна келин гап топиб келди:

— Момо, кеча янги қўшнининг миясига қон қуйилиб, оёқ-қўли ишламай, тилсиз-забонсиз бўлиб қолибди.

Уч кундан буён тоби қочиб қимирлаёлмай ётган қайнона ўрнидан туриб ўтирди:

— А?! Нималар деяпсан?

— Бугун янги қўшни хотини билан Ҳажга жўнаб кетиши керак экан. Кеча охирги меҳмонлар билан ўтириб, бирдан ғулдираб, гапиролмай қолибди. Кейин ўтирган жойидан қулаб тушибди. Дўхтирлар келиб, миясига қон қуйилган, дебди. Кечанинг ўзида касалхонага олиб кетишибди. Аҳволи жуда оғирмиш.

— Ўзи сени Би-би-сига ишга олиш керак. Сен бўлмасанг дунё ахборотларидан буткул бехабар қолардим.

Келин хижолат тортди.

— Сувга чиққан эдим. Қўшнилардан эшитдим.

Момо негадир яқин кунлар ичида биринчи марта ўпкасини тўлдириб нафас олди:

— Бирор нарса олиб кел, қорним жуда очиб кетди...

АВВАЛИ

Ўқув муҳим

Биз бир ўзимизгагина эмас, хотин-қизларимизга ҳам ўқиш кераклигини очиқ англадуқ. Инқилоб биздан ижтимоий турмуш талаб қилғон замонаға мувофиқ кишилар етишишни талаб қиладир, бундай кишиларни ёшлар ичидан кутиш мумкин, аммо ёшларнинг тарбияси яна оилага бориб боғланадурким, оилада энг аҳамиятлик жой олғон киши яна оналаримиздир. Мактабларни кўпайтириб, қизларни кўпроқ жалб қилиш билан бир қаторда ҳозирғи хотинларға ҳам билим нурини тарқатиш лозимдир. Ҳозир замонимиз иш ва илм замонидир, вақт бизлардан ўғил, қизларни замонаға мувофиқ тарбия қилишни талаб этадир...

Ўлка тажриба иш мактабида ўқитувчи: А. Ниёзий.

"Туркистон", 1924 йил 9 март.

Бизга ўқуғон хотин-қизлар керак

Ўтган йил фирқа дорилфунунида ҳозирлиқ курсларида ўқуб ундан кейин Маскавга кетган 70 та ўзбек ёшлари ичида 4 та ўзбек қизи ҳам бор эди. Улар қиш бўйи Маскавда шарқ халқларининг фирқа дорилфунунида яхшиғина ўқуб чиқдилар. Ёзда 3 таси Туркистонға ишлашга қайтди. Бири ишчилар факултасига кирди. 2 таси Маскавда шарқ дорилфунунида ўқишларини давом қилдирадурлар. Лекин Туркистонда хотин-қизларнинг нодонлиғини ва ўқуғон хоним, қизларға муҳтожлиқларимизнинг катталигини эътиборға олсоқ, ҳозирғи вақтда ўқушда бўлғон ўзбак хотин-қизларининг сони жуда оздир. Ўзбак меҳнаткашларининг бошқалар билан бир текис ҳуқуқда фойдалана олишлари иш, ҳунар, маорифда ҳам бошқалар даражасига етишларига боғлиқдир. Шунинг учун ўзбак ишчи, деҳқонлари маорифнинг аҳамиятини англаб ҳар хил мактабларга ўз ўғил-қизларини мумкин қадар кўбрак юборишлари керакдир.

Анқабой. "Туркистон", 1924 йил 9 март.

Нашрга тайёрловчи: Олимжон Ботиров

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

Зарафшоннинг бўйларида шеър топганман, —

УЧРАШУВ

дейди "Саодат" журналининг бош муҳаррири, Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева

Яхши шеър юракдан тўкилади. Ўқиганда ўқувчи қалбига ҳарорат солади. Бу ҳароратнинг баланд-пастлиги истеъдоднинг даражаси ва самимий туйғуларнинг шуъласи билан ўлчанади. Ҳар қандай ёзилган асар истеъдод ва самимиятчалик халқнинг меҳрини қозона олмаса керак.

Севимли шоирамиз Ойдин Ҳожиеванинг шеърий китобларини варақлаганда, тўлқинларнинг шиддати, ғунчаларнинг очилиши, алвон капалаклар рақси, мажнунтолларнинг шовуллашларию товонни куйдиргувчи чўлларнинг қайноқ тафти дастлаб ўқувчига ғаройиб ва чиройли, сирли жумбоқ бўлиб туюлади... Бу сир-синоатнинг илдизи нимада? Бу ҳақда муҳтарама шоирамизни суҳбатга чорладик.

— Ойдин опа, Ватанни мадҳ этмоқ ҳар бир ижодкор учун олий саодат. Шеърларингиз Бухоронинг қайноқ кучоқларини, нафис чечакларининг сеҳрли шивирини эслатади. Болалигингизни гўё яшил олмалардек оқизиб кетган қирғоқлар, онангизнинг иссиқ юзидек куннинг нафаслари қалбингизда ҳар баҳор айрича хотираларни уйғотса керак...

— Болалигим кенгликлар, адирлар бағрида кечган. Қизилтепа туманининг Муллатош қишлоғидаги зарангликларда мол боқиб, тўрғайларни тинглаб дилимга ажиб сурур кирарди. Хаёлимда ўша тепаликларда эртакларнинг қаҳрамони яшагандек туюларди. Зарафшон дарёсининг кўкалам қирғоқларида қамишзорлар сероб эди. Жингилзорлари чодир-чатма бўлиб ётарди. Ўша зарангликларда явшанлар одамнинг бошини айлантиргудек хушбўй, ўткир ҳид таратарди. Явшанлар тагида онам айтиб берган эртаклардаги тустовуқларнинг тилла тухумлари борга ўхшарди. Зарафшоннинг сап-сариқ сумалакдай сувларига термулардим. Айни пешин, қушлар ўзини инига урган, чўпон-чўлиқлар ертўлаларга салқинлаш учун кирган чоғларида кимсасиз соҳилда узоқ ўтирардим. Дарёдан пари қизлар сочларини тараб чиқадигандек уларни кутардим. Пари қизларнинг қўйнида сеҳрли китоби бўлади. Ўша китобни олиб қўйсанг, орзуларинг ижобат топади, дердилар онам. Гарчанд «Бўстон» аталса-да, қишлоғимизда гулзорлар кам эди. Жийда дарахти кўп эди. Тупроқ йўлда оёқланг юрган дамларимни соғинаман. Қишлоқнинг пахса уйлари пастак-пастак, бир-бирига қалдирғоч уясидек туташиб кетганди. Уйлар орасида ҳовлиларга элтгувчи узун йўлаклар бўларди. Дов-дарахтлар камлигидан соя излаб ана шу деворларнинг кафтдеккина салқинида қизлар билан турли ўйинлар ўйнардик. «Тўптош», «бештош», «хона-хона», «тош яширар», «сутми-қаймоқ»...

Баҳорда варракбозлик, чиллик ўйинлари қизир эди. Ўғил болаларга қўшилиб, чилликдастани қарсиллатиб «чиллик бола»ни учирардик. Ана шунда дугоналаримнинг – кўпчилиги отасидан эрта айрилган қизалоқларнинг – шодон қийқириқлари орасида маҳзун қўшиқларни тинглагандек бўлардим. Ўзим ҳам отамдан эрта – икки ярим яшарлигимда айрилиб қолганман. Болаликнинг ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайдиган ота соғинчи, интизорлик, даштлардаги ҳар қўрғондан мўъжиза кутганим, балки юрагимга шеърият сеҳрини солгандир. Балки Зарафшоннинг бугунги кунда саёз тортиб қолган сувлари юрагимга гўзал таассуротлар бўлиб қуйилиб қолгандир.

— Сўз - илоҳий мўъжиза. Баъзи шеърларингизда ҳаёт мазмуни, ғамингиз, ҳайрат ва шодлигингиз олдиндан сезиб ёзилгандек туюлади. Аслида, шоиралик бахтми?

— Ҳар қандай инсонда барибир ғайбдан ҳис қилиш туйғуси бўлади. Одамнинг тушларида кўп нарса аён бўлади. Инсоннинг бахти ҳам, бахтсизлиги ҳам тасодифий бўлмайди. Баъзан ўйнаб-кулиб юрганингда бошингга кулфат тушиши ҳеч гап эмас. Тақдир тақозоси билан ҳаётимда хатарли кунлар бўлган. Ҳеч қачон ойлаб тўшакка михланиб ётаман, ойни, офтобни, йўлларни, синглимдай бўлиб қолган капалакларни бошқа кўрмайман, деб хаёл қилмаганман. Бироқ... шундай кунлар бўлганки, деразамдан офтоб мўралашини, тўлин ойнинг нур таратишини қайта кўраманми, деган армонли кунларим... Агар соғайиб кетсам, ўз оёқларим билан юра олсам, майсазорларга чиқсам, ўтлоқларнинг у бошидан бу бошигача юмалаб-юмалаб капалак қувлашни орзу қилган кечаларим бўлган. Бошимда дуо ўқиб, соғинчимни Аллоҳдан кутган онам ва яқинларимнинг кўзларидаги илинжни кўрганимда яхши кунлар келади, деб ишонганман. Агар шундай кунлар келса, умрим борича яхшилик қилиб яшашга, ҳаётимни савоб ишларга тикишга, шеърга умримни бахшида этишга ўзимга сўз берганман. Агар ҳозир бир нарсадан ранжиб қолсам, ногоҳ ўша оғир кунларимни эслайман-да — тавба-тазарру этаман. Бир шеъримда ёзганман:

Шеърим асраб қолган кўнгилда,
Кечиб тизза бўйи қорларни.
Ҳамон илдам кетиб боряпман
Оловларга ташлаб зорларни...

Ёнар дарё агар келса дуч,
Кечиб ўтгум, ёнсин пайларим...

Эсимда, биринчи «Шабнам» шеърий тўпламим чиққанда онамга олиб борганман. Онам китобчани юз-кўзларига суртиб йиғлаб юборганлар. Бачам, отангиз ўн битта ўғлини ерга берди. Беш қизим қолди. Ўғилларим йўқ, номим ўчиб кетади, деганди. Мана, энди отангизнинг номи ўчмайдиган бўлибди. Худога шукур.

> *Ўша куни мен ҳам онамга қўшилиб йиғлаганман. Китоб чоп этилаётганида ҳаётим қил устида эди-да. Шеърият менга ҳаётимни қайтариб берган. Ёшинг улғайиб кўп нарсани кўраверганингдан сўнг, ўз-ўзидан жуда кўп воқеалар-ҳодисалар тушларингда аён бўларкан.*

Бу тушлар шунчалар илоҳий, шунчалар сирлики, улар Аллоҳ ва инсон орасидаги сирдан вофиқ этади. Кўпинча тушларимда шеърлар ёзаман. «Шукрона», «Ижобат» шеърларим, «Нажот» достонимнинг «Хатар водийсидан афсона» воқеасини тушимда кўриб, ёзганман.

— Аёл бахти оилада, фарзандлари камолида ҳамдир. Турмуш ўртоғингиз адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуров сизга ҳам ҳаётда, ҳам ижодда ҳаммаслак, ҳамдам бўлсалар керак...

— Ижодкор билан яшаш қийинми, дейишади. Биз бир-биримизни тўлдирамиз. Ижод қилишимиз учун имкон яратамиз. Бир куни Иброҳим ака менга «Бухоронинг 2500 йиллик тўйига бир асар ёзсангиз-чи, Ойдинжон, фарзандлик қарзингиз», дедилар. Кейин «Сизга бир сатр сотаман», дея ушбу мисрани айтдилар. Доим чиройли мисралар туғилса, менга шундай лутф қиладилар.

Иймон билан ёдлагаймиз Бухорони...

Мен дедим:
«Қуббат-ул Ислом» каби кўнгил орони...

Ўша куни ғойибдан илҳом келди. Бухоронинг 2500 йиллигига бағишланган «Бухоро таронаси» қасидам қоғозга тушди.

— Севимли шоирамиз Зулфия опанинг меҳри сизга бўлакча бўлган экан...

— Ҳаммамизни яхши кўрардилар. Зулфия опа билан тўққиз йил ишладим. У киши бизга онадек меҳр кўрсатардилар. Тушкунликка тушганимизда кўнглимизни кўтарардилар. Зулфияхонимнинг уйларига тез-тез бориб турардик. Мушоира қизигандан-қизирди. Устоз одатда бизни эшитардилар. Ҳамид Олимжон ҳақидаги гўзал хотираларни гапириб берардилар. Куни кеча пойтахтимизда Зулфияхонимга ўрнатилган ҳайкал барчани тўлқинлантириб юборди. Мана шунинг ўзи устозга берилган юксак эътибор намунаси эмасми?

— Ўзингиз ҳам устозингиз сингари шеърият майдонида «ялт» этган учкунни топсангиз уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайсиз. Умуман... ёшлар ижодидан қониқасизми?

— Ёшларга менинг ҳавасим келади. Уларнинг илк қадамларидаёқ ҳеч кимга ўхшамаган ўзликлари бор. Бир пайтлар Шарифа Салимова, Қутлибека, Хосият, Фароғат, Фарида Афрўз, Дилбар Бону, Мақсуда, Энахон, Муҳтарама, Ҳалима Аҳмад, Зебо Мирзоларни ёш шоиралар дердик. Булар ҳозир етук шоиралар. Соҳибжамол шоирамиз Хосият Рустамованинг шеърини ўқисам, мусаввир чизган тасвирий санъат асарларини томоша қилгандек бўламан. Ҳар бир тасвирида ҳаётнинг ажиб сеҳрли, нозик манзаралари акс этади. Хонадонимга невараларим келишса, Хосият Рустамованинг: «Уйимда эмаклаб юради севинч»... деган сатрини такрорлаб қўя қоламан. Бугунги ёшлар шеъриятида ҳам ўзгача нафислик намоён бўлади. Булар: Гулжамол Асқарова, Манзура Шамс, Ойгул Асилбек қизи, Ойдиннисо, Гулбаҳор, Зумрад, Гулчеҳра Умирова, Наима Абдураҳмонова... эҳ-ҳе, уларнинг яна қанчаларини эътироф этиш мумкин... Жаннатмакон устозим айтганларидек:

«Бу боғлар бир боғлар бўлади ҳали...»

— Сиз анча йиллардан буён «Саодат» журналининг бош муҳарририсиз. Журнал саҳифаларида хотин-қизлар муаммоси кўтарилган мақолаларни ўқиб ҳурсанд бўламиз. Келгуси режалар ҳақида тўхталсангиз...

— Кейинги пайтда хотин-қизлар журналлари кўпайиб қолди. «Саодат»нинг обрўси, мавқеини сақлаб қолиш учун жамоамиз бор куч-ғайратини, имкониятларини ишга солмоқда. Гап фақат журналнинг мазмун-моҳиятида эмас, безагида ҳамдир. Ҳар йили республикамизнинг турли вилоятларида 50-60 талаб ижодий учрашувлар ўтказамиз. Тадбирларда кўтарилган хотин-қизлар муаммоси ҳақидаги фикр-мулоҳаза ва мунозаралар «қаймоғи»ни олиб, журналга сингдириш муҳаррирга боғлиқ. Ҳар ҳолда ҳар йили обуна, қоғоз масалалари ечими қийин кечса-да, «Саодат» журнали ҳамда «Гулчеҳралар» газетаси муштарийлар қўлига бориб етмоқда.

— Ҳазрат Бобур:
«Сен, эй гул, қўймадинг саркашлигингни сарвдек ҳаргиз,
Оёғингга тушиб барги хазондек неча бор ёлвордим...»

дея ёзганидек бугунги хотин-қизларда сарвдек саркашлику ошиқларни пойига хазондек тўкувчи виқор, сирлилик, гўзал феъл-атвор қай даражада?

— Ражаббиби опам айтардилар: отам оилам, бола-чақам деб ҳаммоллик, даллоллик, новвойлик, ҳофизлик, пахсакашлик ҳам қилиб бизни боққан бўлса, энг оғир лаҳзаларда онам зеб-зеварини сотиб, рўзғорга сарфлаган. Баъзи аёллар арзимаган қийинчиликларни деб рўзғорини барбод қилмоқда. Бунга кўпроқ баъзи бир боқибеғам эркаклар сабабчи, деб ўйлайман. Кўлини шоп қилиб, эркакчасига сўкиниб гапиришдан ўзини тиёлмайдиган аёлларни кўрсам, хижолат тортаман. Бугун оила машаққатини эр-хотин баробар тортадиган давр келди. Оила иқтисодини мустаҳкамлаш учун икки ёқлама ҳаракат керак.

Ҳукуматимиз ёш оилаларни, ёшларни яхшигина қўллаб-қувватлаб турибди. Оилада фарзанди ризқидан чегириб, йиғиб-йиғиб, 10 йил тўплаганини бир кунлик тўйга сочаётганлар қанча! Болаларига компьютер олиб берса, турли тўгаракларга қатнаштирса, тил ўргатса, миллат, халқ юксалади. Маишатпарастлик, латтапарастлик деган касалдан қачон ҳоли бўлар эканмиз, деб кўп ўйлайман.

Аввало, аёлларнинг маънавиятини юксалтиришимиз зарур. Ахир маърифатли аёл миллатни кўтаради-да.

— Ойдин опа, сизни яқинлашиб келаётган 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан табриклашга ижозат берсангиз. Баҳор юрагингиздa неларни шивирлаётир?..

— Симонлар кўксини ёриб майса — ниш,
Баҳор қудратига айтади олқиш.
Қафасдан чиқ, Юрак — ҳур қиролича,
Қурбинг йўқми ахир майса ҳолича?

Момоларимиз бекорга майсани «омонлиқ-сомонлиқ», дея кўзларига суртмаган. Яшил оламга етганинг учун севинасан. Болаликнинг яшил адирларига чиққандай бўласан гўё. Қамиш «қовирғали» варракларга қўшилиб, қалбинг учиб кетай, дейди. Райҳонларнинг бахмал барглари юзларингга суриб, ҳаётга шукрона айтгинг келади. Ёруғ дунё қанчалар ширин, дейсан. Арчаларнинг этакларида бинафшалар нафармон юлдузлардек кўзингни олади. Болалик ҳайратинг ўлмаганига, баҳорни жисму жонингда ҳис қилаётганингга суюнасан киши. Ана шу туйғулар юрагингни тўлдириб турганининг ўзи катта бахт.

Адиба УМИРОВА
суҳбатлашди.



— Хайрият, гулларни экиб бўлдим.

А.Ҳакимов чизган сурат

ИЗҲОР

Донишмандлар таърифида

Аёл — буюк сўз.
Н. Некрасов

Эркакларнинг ишончидан кўра аёлларнинг гумони кўпроқ тўғри бўлиб чиқади.
Р. Киплинг

Ҳар бир халқнинг маънавияти аёлқизларга бўлган муносабати билан ўлчанади.
В. Гумболд

Ердаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли юзага келган.
М. Достоевский

Қиз боланинг жамики бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.
В. Шекспир

Ҳамма ерда ва ҳамиша аёл кишининг олижаноб фазилати камтарликдир.
Н. Карамзин

Ҳамма овозлар ичида энг ёқимлиси бу биз севган аёлнинг овозидир.
Ж. Лабрюйер

Миллатнинг келажаги оналар қўлидадир.
О. Бальзак

Аёл севгиси кўпинча ақлли кишиларни ақлдан оздиради, ақлсизларга ақл беради.
Д. Дидро

Аёлларнинг кичкина камчиликларини кечира олмайдиган эркаклар улар бахшида этадиган буюк неъматларга ҳам сазовор бўла олмайдилар.
Х. Жуброн

Аёл — бу бахтга таклифнома.
Ш. Бодлер

СПОРТ

400 миллион томошабин

8 март куни бўлиб ўтадиган ўта оғир вазн тоифасидаги боксчилар россиялик Олег Маскаев ва нигериялик Сэмюэл Питер ўртасидаги муштлашувни 400 миллион томошабин кузатиб бориш имкониятига эга бўлди. Икки спортчининг ўзаро жанги сайёрамизнинг 180 та давлатига тўғридан-тўғри кўрсатилади. Қизиқарли томони шундаки, кураш футбол майдонида ўтказилади. Бу Мексика чемпиони "Атланти" футбол клуби раҳбариятига ҳам маъқул келган. Эслатиб ўтамиз, учрашув Мексиканинг Канкунесида бўлиб ўтади.

Эсиз, Шевченко!

"Челси" клуби ҳужумчиси Андрей Шевченко собиқ жамоаси — Италиянинг "Милан" клубига қайтиб келиши кундан кунга ойдинлашиб бормоқда. Украиналик футболчи лондонликларнинг асосий таркибидан муқим жой эгаллай олмаётганини бунга асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин. Қолаверса, Андрей дўстларига ҳам барибир "Милан"га қайтиб боришини режалаштираётганини айтиб ўтган.

Хабарингиз бор, Украина терма жамоаси ўйинчиси 2006 йилнинг ёзида 30 миллион фунт стерлинг эвазига Англияга олиб келинганди. Ўзининг кўплаб голлари билан итальянларни хушнуд этган Шевченконинг ишлари негадир Лондонда юришмади.

Икки ҳафта муқаддам миланликларни "Арсенал"га қарши етаклаб борган "Милан" клуби вице-президенти Андриан Галлиан журналистлар билан мулоқот чоғида украиналик ҳужумчини Италияда интизорлик билан кутишаётганини айтганди.

Федерер қўрқувда

Эркак теннисчиларнинг кўп йиллик етакчиси Рожер Федерер Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритиш унинг асосий мақсадларидан бири эканлигини бот-бот такрорлаб келарди. Бироқ, у жорий йил Пекинда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида қатнаша олмаслиги мумкинлигини айтиб ўтди.

Федерер Афинада бўлиб ўтган Олимпиада ўйинларида кўнгилдагидек натижаларга эриша олмаганди. Ўшанда Грециядa ташкилий ишларда муаммолар юзага келганлиги боис чехиялик спортчи Томаш Бердьехга имкониятни бой берганди. Бу ҳолат Хитойда ҳам юзага келиши эҳтимоли бор.

– Афинада менга жуда қийин бўлганди, – дейди Федерер ўз интервьюсида. – Транспорт воситалари ҳаракатланишининг ёмонлиги менинг режаларимни ўзгартириб юборганди. Пекинда ҳам шундай вазият содир бўлиши мумкин. Шу боис, мен ҳамон Олимпиадага қатнашиш ёки қатнаша олмаслигимни айтолмайман.

Али Даи — бош мураббий

Эрон футболи афсонасига айланган Али Даи энди Эрон миллий терма жамоасини бошқаради. Бу ҳақда Эрон Ислом Республикаси Футбол ассоциацияси расмийлари оммага эълон қилган. Эрон футбол тарихида рақиб жамоалар дарвозасига энг кўп гол урган футболчи сифатида тилга олинаётган спортчи мураббий бўлиб ҳам ўтмишда қоладиган бўлди.

Эслатиб ўтамиз, Али Даи бошчилигидаги Эрон миллий термасининг дастлабки расмий ўйини шу йил 26 март куни Жаҳон чемпионатига саралаш доирасида Кувайт термасига қарши ўтказади.

Азим РЎЗИЕВ

КУЛГИ

БОРМИЛАР?

Телефон қўнғироғи жиринглади:
— Ало, Ҳалимахон бормилар?
— У ҳозир уйда эмас, келганда нима деб қўяй?
— Мен сизни севаман денг.

ҲАЙРОН ЭР

— Сени жуда соғиндим, жоним, — деди рафиқасига эри сафардан қайтгач.
— Соғинган бўлсангиз камроқ ичинг.
— Қачон ичибман, нега унақа деяпсан, жоним?
— Кўзимга қараб алдамокчи бўласиз-а, кеча ярим тунда улфатларингиз сизни маст-аласт ҳолда олиб келиб, ёнимга ётқизиб кетишди-ю? Қаранг, ҳатто эслай ҳам олмайсиз.
— Тавба, уч сутка юрган поезддан ҳозир тушиб келаётган бўлсам, қандай қилиб кеча мени сенинг ёнингга ётқизиб кетишлари мумкин? — ҳайрон бўлди эр.

БЕШ ДАҚИҚА

— Дадаси, мен қўшни дугонамникига беш дақиқага чиқиб келаман. Сиз мен бошлаган овқатга қараб туринг. Ярим соатдан сўнг сув солинг, яна эллик дақиқадан кейин мош солинг, ўн дақиқа ўтгач гуруч солинг, шундан сўнг йигирма дақиқа қайнатинг.

ЖАННАТ

— Жаннатда юрганингни биласанми ўзи, ука? — сўради бошлиқ ишдан бўшашга ариза кўтариб кирган ходимидан.
— Йўқ хўжайин, ҳатто қачон ўлганимни ҳам билмайман, – жавоб берди ходим.

Толиб ҚАНОАТ

O'zingni angla!
HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Телефонлар: 236-53-96, 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қашқадарё — 8-375-221-78-50
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух Жабборов

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.15

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-254 Адади: 8010 2 3 4 5 6 7 8